

2016

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat



АДОЛАТ

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 27 (1091)

2016-yil, 1-iyul, juma

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида 30 июнь куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

КЕНГ КўЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР — ЭЛУ ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида бўлгани сингари Сурхон воҳасида ҳам улкан янгиланиш ва ўзгаришлар рўй берди. Шаҳар ва қишлоқлар кифоаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси юксалиб бораётди. Бир пайтлар фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан чекланган воҳада бугун саноатнинг бир неча тури изчил ривожланаётди. Замонавий илгор технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ишга туширилмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараккий этмоқда.

Бундай улкан ўзгариш ва янгиланишларни вилоятда эришилаётган ютуқлар мисолида яққол кўриш мумкин. Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда янги ҳудудий маҳсулот ўсиши 8,4 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 7,6, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,4, қурилиш-пудрат ишлари 11,5 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиши натижасида вилоят янги ҳудудий маҳсулотиди кичик бизнеснинг улуши 57,4 фоизга етди. Хусусий секторда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, соҳага кўплаб имтиёз ва преференциялар берилаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланишини таъминламоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида вилоятда беш юзга яқин кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Тижорат банклари томонидан хусусий секторга 180 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига 241 янги лойиҳани фойдаланишга топириш мўлжалланган. Термиз туманидаги “Жануб кўёши” масъулияти чекланган жамиятида 4,2 миллиард сўмлик инвестициялар ҳисобига йилга 1,2 минг тонна сут маҳсулотларини қайта ишлаш орқали курук сут, пишлок, бринза ва йогурт ишлаб чиқариш ўзлаштириладиган бўлса, “Gold Dried Fruits” корхонасида уч миллион долларлик инвестициялар ҳисобига 30 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштириш ва замонавий омборхона лойиҳаси ишга туширилади.

Ислон Каримов вилоятга сафарини Термиз шаҳрида миллий ва замонавий меъморлик услублари асосида барпо этилган Хотира майдони билан танишишдан бошлади.

Президентимизнинг 2015 йил 22 майдаги “2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида бунёд этилган майдонда ўтганларни хотирлаш, ёши улуг инсонларни эъзозлаб, ҳурмат бажо келтириш учун барча шароит яратилган. Мазкур майдон икки тектарни эгаллаган. Бу ерда Мотамсаро она хайкали ўрнатилган. Турли манзарали дарахт ва анвоий гуллар билан бурканган майдонда замонавий архитектура ва меъморлик анъаналарини муҷассам этган кенг айвон барпо этилиб, алюминийдан тайёрланган маҳсул китоблар ўрнатилган. Ушбу китобларга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган сурхондарёликларнинг исм-фамилияси зарҳал харфлар билан ёзилган.

Давлатимиз раҳбари мазкур майдоннинг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида тўхталди.

Бундай муқаддас масканларни кўпайтириш, асраб-авайлаш борасида амалга ошириладиган ишларимиз аждоқларимиз хотирасига чексиз эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир, деди Ислон Каримов. Бугунги тинч, осойишта ҳаётимиз йўлида жонини қурбон қилган ота-боболаримиз билан гурурланиш, уларнинг муборак номи билан доимо ёдда тутиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Юртбошимиз ушбу майдонни янада обод, кўрак ва файзли қилиш учун маҳаллий иқлим шароитига мос ранг-баранг дарахтлар, анвоий гулларни кўпроқ экиш зарурлигини алоҳида қайд этди. Вилоятда лозим даражани кўпайтириш учун замонавий пилотимик ташкил этиш юзасидан тавсиялар берди. Бундай ноёб дарахтлар ҳавони тозалаш, мўътадил ҳароратни сақлашни алоҳида таъкидлади.

— Анвоий гуллар ва ранг-баранг дарахтларга бурканган бу майдонни ёш кекса зиёрат қилмоқда, аждоқларимиз руҳига эҳтиром кўрсатиладиган ва турли тадбирлар ўтказиладиган обод гўшага айланди, — деди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси ўринбосари Орзикул Соатов. — Бугунги тинч, осойишта, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, шукрона келтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, айниқса, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда бу масканнинг тарбиявий аҳамияти ғоят муҳимдир.

Президентимиз раҳнамоллигида халқимизнинг муносиб турмуш кечириши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқаришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Термиз шаҳрида бунёд этилаётган муҳташам санъат саройи ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БРИФИНГДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 24 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси яқунлари бўйича оммавий ахборот воситалари учун уюштирилган брифингга нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқ матни чоп этилмоқда.

Хурматли оммавий ахборот воситалари вакиллари, хонимлар ва жаноблар, сизларни самимий қутлаш ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитига катта қизиқиш билдирганингиз учун яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг ташкилотига ташкил топганининг 15 йиллигига бағишланган юбилей мажлиси очик ва амалий руҳда ўтганини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига

аъзо давлатлар, шунингдек, Афғонистон, Беларусь, Хиндистон, Эрон, Мўғулистон, Покистон, Туркменистон каби мамлакатлар раҳбарлари, БМТ ва етакчи минтақавий ташкилотлар вакиллари томонидан мажлис кун тартибидидаги масалалар атрофида кўриб чиқилди.

Шуни катта мамнуният билан айтишим керакки, кун тартибидидаги барча масалалар муҳокама этилиб, улар юзасидан мажлис иштирокчиларининг фикри эшитилди. Одатгаидек кун тартибига киритилган бу масалалар

дастлаб ШХТга аъзо олти давлат раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилгани сизларга яхши маълум. Бундан ташқари, айрим қўшимча масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Биз регламент ва дастурда белгиланган муддатда барча масалаларни кўриб чиқдик, бирон-бир эътироз, таклиф ёки қўшимчалар бўлмади.

Бу нимадан далолат беради? Ўттиздан ортиқ давлат, шунингдек, халқро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, кўплаб журналистлар иштирок этган бундай катта саммитни ташкил этиш осон эмас. Чунки бу тадбирда ШХТга аъзо ва кузатувчи, шунингдек, таклиф этилган давлатлардан ташқари, ҳамкорликнинг учинчи йўналиши — мулоқот бўйича шерик мамлакатлар вакиллари ҳам иштирок этди. Хар бир катгегорияга мансуб давлатнинг ўз мажбурияти, ваколати ва

имкониятлари бор. Шу нуқта назардан қараганда, саммит ишидан ҳамма қаноатландими, деган саволга тўла ижобий жавоб бериш мумкин. Барча тайёргарлик ишлари ўз вақтида, сифатли ташкил этилгани натижасида саммит юксак савияда ўтди. Бу борада, аввало, ШХТ Котибиятининг ҳиссаси катта бўлди.

Биз ушбу саммитни кузда ўтказишни режалаштирган эдик. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2015 йил июль ойида Уфа шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида бизга, яъни раислик қилувчи мамлакат олдида навбатдаги саммитни 2016 йилнинг июнь ойида ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Яна бир қийин жиҳати — бу кун тартибига киритилган масалалар билан боғлиқ эди. Ташкилот таркибини кенгайтириш тўғрисидаги масала ШХТ доирасида илк

бор муҳокама этилган мутлақо принципиал масалалардан бири бўлди.

Шуни такрор айтмоқчи-манки, бугунги мажлисда эртага дунёнинг барча оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўладиган масалалар муҳокама этилиб, тегишли хужжатлар қабул қилинди. Аъзо давлатлар билан ҳамкорликда амалга оширилган изчил ишлар туфайли бу хужжатларни ўз вақтида тайёрлашга муваффақ бўлдик.

Кеча барча меҳмонларни Тошкентда кутиб олдиқ ва уларнинг аксарияти пойтахтимиз марказидаги Амир Темур хиёбони ёнидаги “Ўзбекистон” халқро анжуманлар саройида бўлиб ўтган концерт саммит иштирокчиларига қўтаринки кайфият бағишлади. Санъаткорларимиз бунинг учун астойдил ҳаракат қилди.

2>



ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

парламент аъзоларидан юксак масъулият талаб этади

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ва Президент Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар ва сенаторлар иштирокида ўтказган учрашуви яқунлари, икки давлат раҳбарларининг сўзлаган нутқи ва унинг мазмун-моҳияти юзасидан фикр алмашилди.

4>

ОНА ТАБИАТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ МУҲОФАЗАСИ

қонунчиликда адолатли ёндашув таъминланишини талаб этади

ФРАКЦИЯЛАРАО МУНОЗАРА



Ҳозирги глобаллашув ва ривожланиш шароитида дунё бўйлаб табиий ресурсларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Афсуски, ўз эҳтиёжини қондириш мақсадида инсонлар томонидан табиатга зарар етказиш ҳолатларига деярли ҳар қуни гўвоҳ бўлиш мумкин. Шу боис экологик хавфсизлик масаласи бугунги даврнинг долзарб муаммоларидан бирига айланди ва бу сайёрамиз халқларини ташвишга солмоқда.

3>

ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИНГ ФАРОВОНЛИГИ — асосий мақсад

МУҲАРРИР МИНБАРИ

Давлатимиз раҳбарининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўлаган табригида соҳада амалга ошириладиган ислохотлар, эришилаётган ютуқлар эътироф этилди ва шу билан бирга, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, фидойий журналистлар олдида турган янги вазифалар белгилаб берилди.

Маълумки, оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётини ҳолис ёритувчи маънавий кўзга хисобланади. Мамлакат ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз бераётганида, жамият янгиланаётганида бу кўзгунинг аҳамияти янада ошади. Матбуот жамиятнинг фаол ва эркин демократик институтларидан бири сифатида янги ғоялар тарғибчисига, жамоатчилик фикрини шақллантиришининг таъсирчан, самарали минбарига айланади. Одамларда жамият ҳаётида, дунёда юз бераётган муҳим ўзгаришларни матбуот орқали билишга, ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол иштирок этишга қизиқиш кучаяди. Шу боис, истиқлолимизнинг дастлабки қадамларидан бошлаб янги миллий матбуот тизимини шакллантириш, фаолиятини эркинлаштириш, соҳа моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги-ча фикрлайдиган журналист кадрларни тайёрлаш, бунинг учун тегишли олий ўқув юрталарининг ўқув дастурларини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг касб малакасини ошириш, таълим жараёнига энг илгор инновацион технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор берилди. Президентимиз Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-

риш Концепциясида парламент фаолиятини, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, партиялараро рақобатни кучайтириш ва унинг самарадорлигига эришиш билан бир қаторда оммавий ахборот воситаларига доир миллий-хуқуқий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан яқин-келгусида амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу муҳим хужжатда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа долзарб масалалари қатори ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишига замин яратиш учун, аввало, жамиятда ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифода этадиган ҳолис минбарга айлантириш зарур.

Мустақиллик йилларида бу борада самарали ишлар қилинди. Оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юртиши, сўз эркинлигини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

4>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БРИФИНГДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Ўзбекистонда кейинги йилларда кўплаб истеъдод соҳиблари етишиб чиқмоқда. Хушбоз ва маҳоратли артистларимизнинг чиқишлари нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки дунё санъат ихлосмандларига ҳам манзур бўлмоқда. Концертда ижро этилган миллий ва мумтоз кўшиқлар, бетакрор рақслар, опера намуналари ШХТ мажлиси катнашчилари ва меҳмонларига аъло кайфият бағишлади, десам, адашмайман. Биздан сўнг, яъни 2016-2017 йилларда ШХТга раислик қилаётган Қозоғистон ҳам шундай концерт ташкил этади, деб ишонаман.

Албатта, сизларни бугунги мажлисда қандай хужжатлар имзолангани кўпроқ қизиқтириши табиий. Ушбу хужжатларнинг ҳаммаси билан эртага матбуот наشريлари орқали танишишингиз мумкин.

Энг муҳим хужжат – бу ШХТнинг Тошкент декларациясидир. Бу хужжатда ташкилотнинг шу пайтгача бўлган фаолияти яқунлари сарҳисоб қилинган ва истиқболдаги устувор йўналишлари белгиланган. Муҳим масалалардан яна бири – бу Хиндистон ва Покистоннинг ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиши тўғрисидаги масалалар. Шунини айтиш жоизки, Хинди-

стон ва Покистон ШХТда қабул қилинган барча асосий хужжатларга ривож этиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олгани ҳақидаги хужжат имзоланди. Хўш, бу қандай хужжатлар?

Аввало, бу 15 йил олдин имзоланган Хартия, бошқача айтганда, ШХТ Низомидир. Шунини катта мамнувият билан айтишим керакки, ўтган йиллар давомида ШХТ Низомига бирор марта ҳам ўзгартириш киритилмади. Бу бизнинг, ташкилотга аъзо давлатларнинг Хартияда мустақамланган принцип ва қоидалардан ҳеч қачон оғинмаганимиздан далолат беради. Тўғри, ташкилот тақомиллашмоқда, Котибият масъуллари ўзгармоқда. Аммо Хартия ва унда баён қилинган принциплар ўзгариши йўқ ва бу жуда муҳимдир.

ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тўғрисидаги масалани муҳокама этишда кизин бахс-мунозаралар бўлди. Бугун ШХТ таркибида олтин аъзо ва олтинга кузатувчи бор. Иккита янги аъзонни қабул қилиш катта аҳамиятга эга. Эътибор беринг, Хиндистонда 1 миллиарддан зиёд, Покистонда эса қарийб 200 миллион аҳоли яшайди. Хар икки мамлакат ҳам катта салоҳият ва имкониятга эга. Айниқса, Хиндистон бугун жадал ривожланиб, тобора куд-

ратли давлатга айланиб бормоқда.

Агар сизларнинг орангизда Хиндистон оммавий ахборот воситалари вакиллари бўлса, уларни бугун ушбу мамлакат эришаётган бундай ютуқлар билан табрикламоқчиман. Покистонликларини ҳам шундай ютуқлар билан табриклайман.

Сизларга шунини яна бир бор эслатмоқчиманки, Хиндистон ва Покистон ядровий давлатлардир. Бу нимадан далолат беради? Ядровий давлатлар хисобланган Хитой ва Россия каторига яна иккита ядровий мамлакат ШХТнинг аъзоси бўлиб қўшилиди. Тасаввур қилинг: бугун ШХТга дахлдор мамлакатларда дунёнинг қирқ саккиз фоиз аҳолиси истиқомат қилади. Тўртта ядровий давлат. Уларнинг иккитаси БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзосидир. Яъни, гап бугунги кунда ШХТ эга бўлаётган юксак салоҳият ва обрў-эътибор ҳақида бормоқда.

Барчангиз яхши биласиз, ҳозирги вақтда кўпчилик БМТни сусткашлиқда, кўп-кўп масалалар унинг эътиборидан четда қолаётганида айбламоқда. Шунга қарамадан, БМТ универсал ташкилот хисобланади ва ундан бошқа дунё миқёсидаги барча энг муҳим масалаларни ҳал этаётган тузилма йўқ.

Бугунги кунда дунёда ва- зият шиддат билан ўзгариб, ҳар қадамда зиддият ва қарама-қаршиликлар кўзга ташланмоқда, бундай можаролар қайта-қайта ўрнига, афсуски, қучайиб бормоқда. Журналистларнинг шунга эътибор беришларини сўғардим, бугун жаҳонда қандай тенденциялар пайдо бўлмоқда? Катта давлатларнинг дунёда рўй бераётган воят муҳим масалаларга доир фикрлари аксарият ҳолларда бир-бирига мос келмайди. Баъзилар ядровий тўқнашувлар ҳақида хотиржамлик билан гапирмоқда. Сиз, ҳурматли журналистлар бундай масъулиятсиз ёндашувлар қандай ачинарли оқибатларга олиб келишини яхши тушуна- сиз, деб ўйлайман.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг инсоният тарихида яна шундай урушга йўл қўйиш мумкинлиги ҳақида одамлар хатто ўйлашга ҳам қўрқар эди. Бу дахшатли урушда ҳаммаси бўлиб 50 миллион, собик Иттифок ҳудудидан 27 миллион киши қурбон бўлди. Тасаввур қилиясизми, 50 миллион киши! Такрор айтаман, илгари бундай урушнинг қайтарилиши ҳақида ҳеч ким ўйла- мас, гапирмас эди. Бугун эса кўпгина сиёсатчилар, юқори лавозимда ўтирган раҳбарлар ва журналистлар ядровий уруш бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақида бемалол гапирмоқда. Учунчи жаҳон уруши бўлади-

ми, деган саволини бамайлихотир муҳокама қилмоқда.

Менинг фикримча, бугун дунё, инсоният тақдири учун масъулиятни ҳис этмасдан айтилган бундай тенденцияларни ўзи учун ҳам қандайдир жазо чораларини қўллаш ортқича бўлмас эди. Мен илгари, агар яна уруш бўладиган бўлса, бу жаҳон уруши ва албатта ядровий уруш бўлади, деб айтган эдим. Бир фараз қилинг, бундай урушдан сўнг Ер юзида нима қолади? Нима учун бу аччиқ ҳақиқатни унутиб қўймоқчимиз ва уруш ҳақида хотиржам гапирмоқчимиз? Нима учун уруш бошланғичи керак, қандай кучлар уни қўзғатмоқда? Наҳотки инсоният хотираси шу кунга эришди, тарих сабоқларини унутиб қўйган бўлса?

Бу фикрни айтишдан мақсад шуки, ШХТнинг асосий вазифаси – тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдан иборат. Бизнинг вазифамиз битта – рўй бераётган қарама-қаршиликлар янги урушга айланиб кетишининг олдини олиш, тинчлик ва барқарорликни сақлашдир. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, кўпчилик бемалол айт- ётган уруш Ер юзидagi охириги уруш бўлади. Бунга йўл қўйишга мутлақо ҳаққимиз йўқ. Бу – Шанхай ҳамкор- лик ташкилотининг шиори- дир.

ШХТнинг салоҳияти юксак- либ боргани сайин бундай қарама-қаршиликларнинг ол- дини олиш учун имкониятларини кенгайтиб боради. Мана, биз ўз олдимизга қандай ва- зифа ва мақсадларни қўймоқ- дамиз.

Хиндистон ва Покистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкило- тига қўшилиши ҳақида гап- борганда, хоҳ иншонинг, хоҳ иншонманг, саммитга бир ой вақт қолганида ҳам бу маса- лага оид асосий хужжат бўй- ча келиша олмаган эдик. Бош- қача айтганда, бу жараён осон кечгани йўқ. Барча хуж- жатларнинг ўз вақтида тайёр бўлишига масъул киши сифа- тда шунини очик айтишим ке- ракки, агар бу хужжатлар тай- ёр бўлмаганида ушбу масала кун тартибидан тушириб қол- дирилган, саммит бугунгидек юксак аҳамият касб этмаган бўлар эди.

Хиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республика- сининг ШХТга аъзо давлат макомини олиш йўлидаги маж- буриятлари тўғрисидаги мемо- рандумлар кеча координатор- лар даражасида келишди. Ҳинди- стон раҳбари жаноб Наренд- ра Моди ва Покистон Прези- денти жаноб Мамун Хусайн бир-бирига қўл берганини кўриб, мени ички бир қони-

киш туйғуси камраб олди. По- кистон ва Хиндистон ўртаси- да қандай муносабатлар бор- лигини сиз, журналистларга айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Бу икки давлат ташкилотга бир пайт- нинг ўзида қўшилиётганида чуқур маъно бор. Агар улар- нинг биттаси учун қабул жа- раёнини бошлаб, иккинчиси- ни кейинга қолдирадиган бўл- сак, бугунгидек самара бўл- масди. Чунки бу Хиндистон ва Покистон ўртасидаги ихтилофни янада кескинла- штириб юбориши мумкин эди. Бундай вазиятдан моҳирлик билан фойдаланиб қоладиган кучлар борлигини ҳам унут- маслигимиз керак. Хуллас, кеча кечқурун хужжатлар юза- сидан келишувга эришиб, бу- гун имзоладиқ. Бу жуда кат- та, тарихий аҳамиятга эга во- қеадир.

ШХТга аъзо, кузатувчи сифа- тида қўшилиш истагини билдирётган мамлакатлар кўпчилигини ташкил этади. Сизларга маълумки, Эрон- дан, Афғонистондан ва бош- қа кўплав давлатлардан шу- лар даражасида келишди. Ҳинди- стон раҳбари жаноб Наренд- ра Моди ва Покистон Прези- денти жаноб Мамун Хусайн бир-бирига қўл берганини кўриб, мени ички бир қони-

қур.

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР —

ЭЛУ ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Қурилиш ишларини бугунги замон талаб- ларига мос ҳолда олиб бориш керак. Бу жа- раёнда аввало лойиҳани пухта ишлаш, сало- ҳиятли пудратчи ташкилотларни ташлаш, за- монавий технологиялардан унумли фойдала- ниш даркор. Энг муҳими, бундай салобатли иш-шоотларга замонавий қурилиш материал- ларини ишлаш, дизайн мослигига алоҳи- да аҳамият қаратиш зарур. Биз қураётган бундай бинолардан нанки бугунги, балки келгуси авлодлар ҳам завқ олсин, асрлар давомида эслаб, ўзгача гурур билан яшасин, деди Ислом Каримов.

Бугунги кунда вилоятда 12 мингдан ортқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Жо- рий йилда воҳа фермерлари 98 минг гектар майдонда бошқоқ дон етиштириб, шартно- мавий режани орғини билан бажарди. Ҳозир- гача қаллакорлар ҳосилдорликни гектарига 54 центнерга етказди. Пахта майдонларида ҳам барча агротехник тадбирлар ушшоқлик билан олиб борилмоқда. Фермер хўжалик- лари ва аҳоли томорқасида мўл-қўл мева- сабзавот, полза маҳсулотлари етиштирилмоқ- да. Маҳаллий бозордан ортқ қисми хориж- га экспорт қилинмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида вилоят соҳибкорлари 27,3 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотларини экс- порт қилди.

Давлатимиз раҳбари Термиз туманидаги “Янгиариқ пахтакори” фермер хўжалиги да- ласида бўлиб, вилоят фаоллари ва фермер- лари билан суҳбатлашди.

Президентимиз учрашувда қишлоқ хўжа- лиги маҳсулотлари парваршида замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш, ис- тикболли навларни экиб, ҳосилдорликни яна- да ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги кучайиб бораётган бир пайтда мавжуд экан майдонларидан самарали фой- даланиш ва ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича ўз тақлифларини билдирди.

Сурхондарё замини учун бу йил жуда омадли келди, деди Президентимиз. Бу омад вилоят фермер ва дехқонларнинг 670 минг тонналик уздан хирмон бунёд этиб, мамла- катимизда биринчи бўлиб галла тошириш бўйича шартнома мажбуриятини бажаргани, турли соҳаларда улкан марраларни забт эта- тгани, мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи- га муносиб тухфалар тайёрлаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Мазкур фермер хўжалиги аъзолари 23,5 гектар майдонда галла экиб, мўл ҳосил тўплади. Тажрибали фермер Ибодулла Дав- латов шартномавий режани орғини билан бажарди.

– Фермерлик ҳаракати обод ва фаровон ҳаётимизнинг бош омилига айланди, – дей- ди “Янгиариқ пахтакори” фермер хўжали- ги раҳбари Ибодулла Давлатов. – Бунини ҳаётимиз тубдан ўзгартиб, фаровон турмуш кеңираётганимиздан яққол ҳис этмоқдамиз. Уй-жой қураямиз, машина олаямиз, фар- зандаларимизнинг озу-хавасини кўраямиз. Бундай эътибордан руҳланиб, далага меҳр қўйиб меҳнат қилаямиз. Хар қарич ердан унумли фойдаланишга интилаймиз. Маса- лан, қалладан бўшаган майдонларни пеш- ма-пеш шудгорлаб, такрорий экин эдик. Бу йилги ерёнғок ва мошинг маълум қис- мини хорижга экспорт қилиш учун шартно- ма туздик. Биз, сурхондарёлик дехқонлар учун етиштирган озиқ-овқат маҳсулотлари- мизнинг бир қисминини Фарғона водийси аҳолисига арзон, қулай транспорт орқали етказиш муаммо бўлиб келган. Қуни кеча Ангрэн – Поп электрлаштирилган темир йўли ишга туширилиши билан бу муаммо барҳам топти, биз учун янги имкониятлар яратилди. Бундай бетимсол, тарихий иш-по- тлар қурилишининг ташаббускори ва ра- хнамоси бўлган Президентимиздан чексиз миннатдоримиз.

Хўжалик далаларида бошқоқ дон ўрим- йиғими билан бирга фўзга ишлов бериш ҳам кизгин давом этмоқда. Фўза ниҳоллари икки марта озиклантирилиб, суғорилди. Барча дала юмушлари агротехник тадбирлар асосида олиб борилмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси, яъни Сиз- нинг, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, раис- лигингизда ўтган Шанхай ҳамкорлик ташки- лотининг юбилей саммитини катта ҳаяжон ва ўзгача гурур билан кузатдик, – деди таж- рибали фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Исо- хон Баҳромов. – Ушбу мажлисда ташкилот- нинг нуфузини ошириш, Хиндистон ва По- кистонни ШХТ аъзоллигига қабул қилиш бўйича тарихий қарорини имзолангани Ўзе- бекистоннинг обрў-эътиборини янада юксалтир- ди. Саммит қунари Тошкент – тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик шахри сифатида яна бир бор эътироф этилди. Бундан бутун мамла- катимиз халқи катори Сурхондарё вилояти аҳолисининг ҳам қалби фахру ифтихор туй- гуси билан тўлиб тошди. Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг шарофатидан. Шу боис истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авай- лашимиз керак.

Ислом Каримов Термиз шаҳридаги Ҳаким ат-Термизий мажмуасини зиёрат қилди.

Президентимиз Ҳаким ат-Термизий маж- муасини таъмирлаш юзасидан тегишли тав- сиялар берди. Бунда воҳанинг ўзига хос ан- яналари, замонавий метморлик усулларидан фойдаланиш кераклигини қайд этди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентимиз Қашқадарё вилоятига таширф буюрди.

Мустақиллик йилларида Қашқадарё ви- лоятининг иқтисодий салоҳияти исли кўрил- маган даражада юксалди. Давлатимиз раҳ- бари ташаббус билан Шўртан газ-қимё маж- муаси, “Муборакнефтьга” унитар шўъба кор- хонаси, Дехқонобод калийли ўғитлар заво- ди, Талимаржон иссиқлик электр станцияси каби замонавий саноат корхоналари барпо этилди. “Хисорнефтьга”, “Кўкдумалоқга”, “Шўртангазмаҳсулот” каби йирик кўшма кор- хоналар ташкил қилинди.

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми исчил ошмоқда. 2015 йилда бу кўрсаткич 5,4 фоиз, жорий йилнинг биринчи чорагида 5,6 фоиз ўсди.

Президентимизнинг 2013 йил 2 августдаги “2013-2016 йилларида Қашқадарё вилоятининг саноат-салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори вилоят ривожини янги босқичга кўтарди. Мазкур қарор билан та- дикланган дастурга асосан 598 лойиҳа амал- га оширилиб, янги корхоналар ташкил этил- ди, 11 мингдан ортқ янги иш ўрни яра- тилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам ул- кан бунёдкорлик ва ободонлаштириш иш- лари амалга оширилмоқда. Қарши ва Шаҳри- сабз шаҳарларининг 2700 йиллиги муносаба- ти билан вилоят янада гўзал ва обод маскан- га айланди. Бу борадаги ишлар исчил давом эттирилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар киёфа- си тубдан ўзгариб, аҳоли ҳаёт даражаси юк- салиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 июл- даги “Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дасту- ри тўғрисида”ги қарори асосида кенг қўла- мли ишлар амалга оширилмоқда.

Қарши шаҳрининг ҳудуди 9 минг гектар- дан 17 минг гектарга кенгайтирилди. Янги йўл ва кўприклар, кўп қаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш объек- тлари бунёд этилди. Ўзбекистон, Мустақил- лик, Амир Темур, Алишер Навоий, Насаф, Хонобод кўчалари кенгайтирилиб, атрофи ободонлаштирилди.

Йўл-транспорт инфратузилмасини яхши- лаш мақсадида 56 километрик халқа йўли қурилмоқда. Унинг темир йўл ва дарёлар билан кесишадиган жойларида 6 замонавий йўл ўтказиғи ва кўприклар бунёд этилмоқ- да. Бу шаҳар ҳавоси мусаффолигини ва ҳара- кат хавфсизлигини таъминлайди.

Президентимиз капитал таъмирланиб, за- монавий киёфа касб этган Қарши темир йўл вокзалига таширф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 5 ян- вардаги қарорига асосан амалга оширилган “Мароқанд-Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш” лойиҳаси мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини ривожланти- ришга қаратилган алоҳида эътиборнинг яна бир ёркин намунасидир. Қарорга муво- фиқ қарийб 141 километрик Мароқанд – Қарши участкаси тўлиқ электрлаштирилди. Поездлар ҳаракатини бошқарадиган замонавий тизим йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йил- лиги арафасида – 2015 йил 22 август куни юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” электрпоезди Қарши шаҳрига илк қатнови- ни амалга оширди.

Президентимиз вокзал биносини қўздан кечираётган экан, уни янада кўркамлаштириш, бино пештоқини Қашқадарё тарихига оид нақшлар билан безатиш, йўловчиларга замо- навий қулайлик яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Юртбошимиз “Насаф” марказий стадио- нини бориб кўрди. 16 минг томошабинга мўлжалланган ушбу стадион халқаро талабларга жавоб беради. Бу ерда мамлакат ва халқаро миқёсдаги му- собақалар ўтказилиши мумкин.

Ислом Каримов стадионни реконструкция қилиш, спортчилар ва томошабинлар учун қулайликларни янада ошириш, хавфсизлик чораларини кучайтириш бўйича зарур тавсия- лар берди.

Президентимиз Қарши шаҳрининг Муста- қиллик ва Ўзбекистон кўчалари чоррахаси- да бунёд этилган курантни қўздан кечирди. Қарийб 30 метрик курант оқ мрамар бил- дан қопланган, миллий колорит билан бе- затила. Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулайлик ва хавфсиз- лик яратиш мақсадида улкан қурилиш-таъ- мирлаш ишлари амалга оширилган.

Мамлакатимиздаги аксарият шаҳарлар қадимий, айни вақтда замонавийдир. Хар бир шаҳарнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Шун- дан келиб чиқиб, хар бир шаҳарда бошқа жойда учрамайдиган, алоҳида ажралиб ту- радиган майдонлар бўлиши керак. Бундай курант ва унинг атрофидаги майдон Қарши шаҳрининг ўзига хослигини ифодалайди, деди Ислом Каримов. Йўл ва ишшоотларни лойиҳалаштириш ва қуришда шаҳарнинг кел- гуси тараккиятини инобатда олиш зарур.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик кўчаси бўйидаги хиёбонга таширф буюрди.

Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг дам олиши учун имконият яратиш, майдонда мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида бу ерда улкан фавворалар бунёд этилди. Турли шакл ва катталиқдаги фавворалар шаҳарга

салқинлик бағишлайди, туңда ранг-баранг чи- роқлар ёдусида жиллоланади. Мутасаддилар- нинг маълум қилишича, Қарши шаҳрида 50 та фаввора қурилиши режалаштирилган, бугун- ги кунда уларнинг 28 таси ишлаб турибди.

Президентимиз шаҳар киёфасини янада яхшилаш, аҳолининг дам олиши учун яра- тилган қулайликларни тобора ошириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўламазорлаш- тириш бўйича зарур тавсиялар берди.

Ислом Каримов ўтган йили Қашқадарёга таширфи чоғида Амир Темур тарихий кўпри- гини таъмирлаш, дарё атрофини дам олиш масканига айлантириш бўйича зарур тавсия- лар берган.

Ўтган вақт давомида бу ерда улкан бунёд- корлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Амир Темур кўприги замонавий талаблар асосида реконструкция қилинди. Қашқадарё дарёсида учта тўғон қурилди. 51 катмаран, 2 туристик катер келтирилди. Қирғоқ бўйидаги эски бинолар ўрнида гўзал хиёбон бунёд этилди. Болалар учун замонавий аттракционлар ўрнатилди. 14 коттеж, 4 кафе-бар, болалар майдончалари, 4 сунъий қопламали спорт майдончаси барпо этил- ди. 24 гектар майдон кўламазорлаштири- либ, 4 мингдан ортқ манзарали дарахт ва буталар экилди.

Президентимиз ушбу кўприк ва хиёбон билан танишди.

Собик тузум даврида Қашқадарё вилояти қолоқ ҳудудлардан эди. Одамлар хар то- монлама эзилган, ҳаётдан норози бўлиб яшар- ди. Ўша пайтда вилоят раҳбари сифатида уларнинг дардини кўп эшитганман, “қачон бу замон ўзгаради, қачон кўксимизга шамол тегади”, деб қуюнганларни кўп ўрганганман. Мана, ўша оруз қилинган кунлар келди. Мустақиллик шарофати, халқимизнинг фидоко- рона меҳнати туйғайли мамлакатимиз хар то- монлама обод бўлиб бормоқда, одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшамоқда. Бугунги за- монавий шароитлар биз ҳеч кимдан кам эмас- миз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз деган эзгу мақсадимизнинг амалий ифодасидир, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ва ободон- лаштириш ишларини исчил давом эттириш, шаҳар киёфасини янада яхшилаш, аҳолининг дам олиши учун бунданга кўпроқ қулайлик- лар яратиш бўйича зарур тавсиялар берди.

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига сафари давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Ҳолмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
Анвар САРАТОВ,
Ўлмас БАМОДОВ,
ЎЗА МАХСУС МУҲБИРЛАРИ

ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИНГ ФАРОВОНЛИГИ — асосий мақсад

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Мухими шундаки, бу йўналишда қабул қилинган қонунларнинг барчаси умумхалқ муҳокамасидан ўтди. “Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши одамларнинг ўзлари истаган ахборотни ҳеч бир монеликсиз олиш, айтиш чоғда, ахборотни муҳофаза қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги ҳафсизлигини таъминлаш имконини берди. Натيجида матбуотимиз саҳифаларида собик тузум шароитида мутлақо қўл урилмаган, ҳеч ким журъат этмаган, расман тақиқлаб қўйилган кўплаб мавзулар, чунончи, танқидий мушоҳадалар, киёсий таҳлиллар, ижтимоий-сиёсий шарҳлар пайдо бўлди. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик шаклланиши билан эса сиёсий партияларнинг нашрларида соғлом баҳс-мунозаралар юзга келдики, бу ҳолат миллий журналистикамиз нуфузини анча баланд кўтарди десак, муболага бўлмайди.

Аммо, эътироф этиш лозимки, оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, самардорлигини таъминлаш жараёни бу ютуқлар билангина ниятсиз етгани йўқ. Давр руҳини акс эттириш, ўқувчи ишончини қозониш учун ҳали жуда кўп ишлар қилиниши керак. Давлатимиз раҳбарининг нутқ ва маърузаларида, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлариға уларнинг байрами муносабати билан йўллайдиган ҳар бир табрирда шиддат билан ўзгартириб бораётган бугунги даврнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган янги вазифалар алоҳида кўрсатиб берилди.

Бу вазифалар жаҳон миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, инфорацион хуружлар тобора кучайиб бораётган таҳликали бир вазиятда халқимиз, айниқса, ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқини қорадан, ростни ёлгондан ажратишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда, донмо хушёр, сезгир ва огоҳ бўлиб, воқеликка дахлдорлик туйғуси билан яшашга даъват этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётганидан келиб чиқади.

Президентимиз табрирчида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқро майдонга кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфузли нашрлар ва медиакомпаниялар билан самарали ижодий алоқалар ўрнатиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни пухта эгаллаш матбуотчилар олдида турган бугунги муҳим вазифалардан бири эканлиги эътироф этилди. Шу билан бирга, бугунги глобаллашув заминда, интернет асрида ахборотнинг тарқалиши учун ҳеч қандай чегара йўқлиги, бундай мислсиз интеграция тараққиёт учун жуда катта имкониятлар эшигини очиб бериши баробарида, ахборот оқими орқали турли бузғунчи воялар ҳам ҳаётимизга кириб келаётгани ва ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатаётгани алоҳида қайд этиб ўтилди. Янгиликка, турли ахборотларга қизиқиш билан қарайдиган ёшлар онгига интернет қай даражада таъсир кўрсатаётгани ҳақида айтилган бу фикр замирида улкан маъно мужассам.

Одамларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг онгу тафаккурини, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган уришларнинг асл моҳиятини англаш ва бунга бепарво бўлмастик гоят муҳимдир.

Жамият ўз олдида нечоғли улғун максалларни қўяр экан, шубҳасиз, бунда инсон омили ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Яъни жамият аъзоларининг ижтимоий онги, сиёсий маданияти, дунёкараши, фуқаро сифатида фаолиги, Ватан, миллат олдидаги масъулиятни ҳис этиши, янги авлод тарбияси миллий тараққиётни белгилувчи асосий шартларга айланади. Ер юзюда ҳаёт пайдо бўлганидан бери авлодлар алмашишуви давом этади. Инсон бу ёруғ оламда эмин-эркин, тинч-тоғув ҳаёт кечириши, фарзандларини тарбиялаб вояга етказиши, ўзидан яхши ном, эзгу амаллар қолишини орзу қилади. Аммо уруш, босқинчилик ҳаракатлари, ноахиллик натижасида бу орзуларга ҳамшиша ҳам етиша олмайдди. Бунинг бошқа бир сабаби — том маънода озод ва эркин, ҳақ-ҳуқуқини танган, она Ватани бағрида умргузаронлик қилаётган инсонгина ўзлигини намоён қила олади, иқтисодий, маънавий қарамлик, миллий маҳдудлик эса бу борадаги интилишларни чеклаб қўяди.

Халқимиз истиқлол йилларида моҳият эътибори билан асрга тенг шиддатли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ички ва ташқи хуружларга қарамай, миллий тараққиёт йўлидан оғинмади, бугунги ёруғ кунларга қатъий ишонч билан интилди, меҳнат қилди, изланди. Шу йиллар ичида жамият янгиланди, одамлар, уларнинг дунёкараши, турмуш тарзи бутунлай ўзгарди, Ўзбекистонимизнинг номи дунёнинг ривож топаётган, иқтисоди бақувватлашаётган давлатлари сафида тилга олинмаган бўлди. Ингирма беш йилда эришган муваффақиятларимизнинг бош омили ҳақида сўз кетганда, Ватан туйғуси, Ватан фахри, Ватан ҳимояси деган фикр ҳаёлимизга келади. Бу туйғу бугун ҳаётимизнинг маъно-маъмунига, фахр-ифтихоримизга айланди, бекиёс гурур бўлиб, онг-шуурумиздан жой олди. Олдимизда янада масъулиятли вазифалар, эртага эгаллашимиз лозим бўлган янги марралар турирди, яъни

“биз ёш авлодимизни бошлаган буюк ишларимизнинг давомчилари этиб тарбияламоқчи бўлсак, ҳеч шубҳасиз, қандай оғир, шу билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтганимиз, дунё ҳамжамияти тан олаётган юксак ютуқ ва марраларимиз тарихимиз солномасида ўчмас из қолдириши, халқимизнинг онгу тафаккурида муҳрланиши, миллий гоёмиз, мафкурамиз асосига айланиши шарт”.

Бунинг учун янада самарали, таъсирчан ишлашга, халқимиз ҳаётини янада фаровон ва обод қилиш, дунёдаги энг ривожланган, демократик давлатлар қаторига кириш, халқро майдонда Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшишимиз зарур.

Юртимизда истиқлолнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш тарафдори бўламиз. Ўтган йиллар ичида эришган оламшумул галабаларимизни сарҳисоб қилиш, бугунги ва эртанги кунимизнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга халқимизни, айниқса, ёшларимизни сафарбар этиш матбуотнинг бирламчи вазифаси ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куну муносабати билан соҳа вакилларига йўллаган табрири бизни янада ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашга чорлаш баробарида, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди.

Ислом ҲАМРОЕВ



ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

парламент аъзоларидан юксак масъулият талаб этади

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Эътироф этилганидек, Ўзбекистон халқро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси сифатида жаҳонга юз тутаётгани, дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик ва стратегик шериклик алоқалари йўлга қўйилгани мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда муҳим омили бўлмоқда.

Мамлакатимизга расмий таъриф довомида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг халқимиз вакиллари билан юзма-юз учрашуви ниятида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган учрашуви ушбу мамлакат юртимизга нисбатан дўстона ва ишончли стратегик ҳамкор сифатида қараётгани, халқларимиз ўртасидаги асрий муносабатларнинг истиқболини янада жонлантириш мақсадида эканлигини аниқлади.

Шу билан бирга, ХХР раҳбарининг қисқа фурсат ичида Ўзбекистон ривожланиш борасида оламшумул муваффақиятларга эришгани, халқ фаровонлиги юксали, минтақадаги етакчи давлат сифатида намоён бўлиб келаётганини таъкидлаб ўтгани, ушбу мамлакат раҳбариятининг юртимиз ҳаётини қузашиб, ислохотлар муваффақиятини ошқора тан олиб турганлигини билдиради.

Учрашувда давлатимиз раҳбари сўзга чиқиб, парламент ва унинг аъзолари фаолиятига баҳо берар экан, бугунги кунда парламент аъзо-

лари Ўзбекистон аҳолиси барча қатламларининг манфаатларини ифода этишини эътироф этгани ҳамда уларни юртимиздаги янгиликни жараёнларининг ҳаракатга келтирувчи қучиға қиёслагани депутатлар зиммасига катта масъулият юклаганини фракция аъзолари алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбари ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг парламент аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда билдирилган фикрлари биз, халқ вакиллари зиммасига янада улкан масъулият ва вазифаларни қўяди десак, муболага бўлмайди.

Юртимизимизнинг парламент фаолиятига берган баҳоси, ишонч ва масъулият юклаб айтган ҳар бир фикри, билдирган таклифлари бизни янада ғайрат ва шижоат билан, сайловчиларимизга берган ваъдаларини оқлаган ҳолда ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилишга ундаши табиий. Айниқса, Хитой ва Ўзбекистон муносабатларидаги ўзаро келишув ва ҳамкорлик муносабатларини, олиб борилаётган сиёсий жараёнлар ва ислохотларни халққа етказиш, нафақат етказиш, балки уни тарғиб қилишда бор куч-имкониятимизни аямасдан, масъулият билан фаолият юритишимиз лозим.

Дарҳақиқат, парламентнинг янги таркиби иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган давр мобайни-

да депутатлар томонидан бир қатор амалий ишлар, парламент ислохотлари амалга оширилди. Халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи қатор янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалиётга таътиқ этилди. Парламентта таъриф буюрган механизмлар, экспертлар гуруҳи ушбу кизгин жараёнларнинг яққол гувоҳи бўлишмоқда. Айтиш керакки, бошқалар ҳавас қиладиган бундай натижаларга эришиш осон эмас, албатта. Бундай мақсадларга эришиш учун сўзда эмас, амалий ҳаракатларимиз билан фаолиятимизни такомиллаштириб бормоғимиз зарур.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг амалга оширилиши дунё жамоатчилигининг, шу жумладан, нуфузли экспертлар, ҳуқуқшуносларнинг Ўзбекистонга эътиборини янада қучайтирган бир пайтда айнан халқро таъжирбани ўрганиш, ундаги биз учун мақбул жиҳатларни жамиятимиз ҳаёти билан таққослаш қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишларини сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтаришга замин яратади. Бунинг учун мамлакатимизда имкониятлар етарли. Эндиликда биз,

Қонунчилик палатаси депутатлари профессионал фаолиятимизни янада қучайтириб, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашга алоҳида масъулият билан ёндашиб, фаолик кўрсатишимиз лозим.

Даврон ТАНГИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Дарҳақиқат, бугунги кунда Хитой Ўзбекистонининг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан биридир. Чунончи, жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида ҳамкорликдаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,4 миллиард долларни ташкил этгани, Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган инвестиция ва кредитлар ҳажми эса 6,5 миллиард доллардан ошгани ҳамда юртимизда Хитой сармояси иштирокидаги 650 дан ортик корхоналарнинг самарали фаолият юритаётгани бунга яққол мисолдир.

Хитой ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларининг стратегик шериклик даражасига кўтарилиши ўзаро муносабатларнинг янги даври келганлигини аниқлатади. Бу эса, ўз навбатида, биз депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Жумладан, икки давлат раҳбарларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги маърузаларининг мазмун-моҳиятини, бир-бирини бўлини ўзаро ишонч ва ҳурмат даражасини ҳамда Хитой давлатининг бизга бўлган дўстона муносабат ва алоқала-

Йиғилиш сўнггида Ўзбекистон ва Хитой давлат раҳбарларининг парламент аъзолари олдида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган фракция аъзолари олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Илбс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

ИПАК ЙЎЛИ БИРЛАШТИРГАН РИШТАЛАР

ЭЪТИРОФ

Ўзбек, қорақалпоқ халқларининг тарихи, тақдири, маданияти Буюк ипак йўли бирлаштирган ришталар орқали қардош, китъадош хитой, уйғур қавмлари билан чамбарчас богланиб кетган.

Зардушт билан Будда таълимоти, Фаробий билан Конфуций хикматлари кўп жиҳатдан узвийдир. Қолаверса, қадимий Турон, Туркистон, Мовароуннаҳр ёинки Хоразм, Сўғдиёна, Бактрия замини ҳақидаги илк маълумотларнинг қўнчилигини хитой манбаларида учратиш мумкин. Бу ўринда Ўрхун-Энасой битикларини алоҳида эслаб ўтишни истар адим.

Давлатимиз раҳбари таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг мамлакатимизга давлат таърифчи, унинг Бухорои шариф ва рўйи замин сай-

кали Самарқандда бўлиши, Фарғона vodiysini мамлакат маркази билан богланган, Шарққа қараб янги дарвоза очган темир йўл ва ерости йўлининг тантанали очилишида иштирок этиши барчамизни қувонтирди.

Улуғ шоиримиз Ажиниёз Кўсубой ўғли: *Утириқни рост этиб айтмаган, Бош кетса ҳам тўғри йўлдан қайтмаган, Номнаҳрамини асло йўлдош тутмаган, Хитой, Қўнғирот оли элларим бордур.* — деб ёзган эди. Истикбол шарофати билан Бердақ ва Ажиниёз кезган Устюртда Хитойнинг “Ситик” компанияси билан ҳамкорликда Қўнғирот сода заводи қурилди. Бу ҳамкорлик ҳали янги-янги самаралар беради. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити эса жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш борасида янги саҳифалар очади.

Жуманазар БОЗОРБОЕВ,
Ажиниёз номидаги НДПИ профессори,
Ўзбекистон ФА академиги,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

САХОВАТ — БЕНАЗИР ҚАДРИЯТ

Бебаҳо инсоний фазилатларимиз эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги, одамларнинг бир-бирига ғамхўрлиги, меҳр-оқибатда яққол кўринади. Айниқса, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги, бемор инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг кўнглини кўтариш, совға-саломлар бериш яхши анъанага айланган.

Эзгу фазилатлар ифодаси

Наманган вилояти Поп туманидаги “Марвизор” қишлоғида жойлашган “Муруват” уйда ҳам ана шундай таъбир бўлиб ўтди. — Муассасамизда 300 нафар бемор даволанади, — дейди “Муруват” уйи директори Моҳинишо Марипова. — Уларга олти нафар врач, 21 ўрта ва 75 нафар кичик тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатади. Даволанувчилар учун барча қулайликлар, дам олиш шароитлари яратилган. Улар йилда икки марта чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб турилади.

Тадбирда Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилоят ва Поп туман кенгашлари вакиллари иштирок этилди. — Партияимизнинг “Саховат —

беназир қадрият” ижтимоий лойиҳаси асосида қатор тадбирлар амалга оширилганга, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Баҳодир Болтабоев. — Наманган шаҳри ва барча туманларда партияимиз фаоллари, ёш сафдошларимиз ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишмоқда, ёши улғун партиядошларимизни йўқлаш ҳам одат тусига кирган. Фаолларимиз уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳонадонларида бўлиб, уларга вилоят партия кенгаши совдаларини топирилади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Adolat» мухбири

ДЕПУТАТЛАР сайловчилар хузурида

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоларининг электротат билан мустақам алоқада ишлашида, айниқса, депутатларнинг ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари амалий аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, депутатларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида муҳим таклифларни ишлаб чиқишда ижобий ўрин тутаяди.

Шу кунларда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоларининг ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олишга халқимиз катта тадорик кўраётган айни дамларда қонун ижодкорларининг сайловчилар билан бўлаётган учрашувларида ҳам байрамона шукӯҳ ўз аксини топмоқда. Очиқ мулоқотлар истиқлол йилларида ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар, эришган ютуқларимиз ва Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги ўрни мустақамлашиб бораётганидан юртдошларимизнинг мамнуниги, ҳар бир фуқаро юрт келажаги ва таракқиетиға масъулият ҳиссини сезиб яшаётганини кўрсатмоқда.

КАШҚАДАРЁ. Нишон туманидаги "Истикбол" маҳалла фуқаролар йиғинида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Жамшид Пирматов билан бўлиб ўтган мулоқотлар жараёнида ҳам сайловчилар истиқлол йилларида юртимизда, жумладан, вилоятнинг шараф ва кийинки авлоди амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида фикр-мулоҳаза юритдилар.

— Мустақиллик халқимизга, энг аввало, ўзликка қайтиш, ҳамда уни англаш, инсон манфаатлари устувор бўлган янги эркин, демократик жамият қуриш, улдуғ аждодларнинг бебаҳо маънавий меросида баҳраманд бўлиш, ўзимизга хос ва мос ҳаёт тарзини яратиш имконини берди, — деди Ж.Пирматов. — Мустақиллик туғайли биз учун дунё эшикларини, манфаатли ҳамкорлик йўллари кенг очилди. Ўтган 25 йил давомида туб ислохотлар натижасида барча соҳаларда таракқиётга эришилди. Буни яқиндагина пойтахтимизда ўз ишнини муваффақиятли тугаллаган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида аъзо давлатлар раҳбарлари ҳам эътироф этишди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 133-Кўча сайлов округидан Қонунчилик палатасига сайланган депутат Улуғбек Саматов билан Шайхонтоҳур туманининг "Ўзбекистон", "Бўстон", "Хувайдо" ва "Зафаробод" маҳаллаларида бўлган учрашувларда ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, туман ҳокимлиги мутасаддилари, маҳалла фаоллари, ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

— Бугун биз аҳолининг ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаолиятини кўп бора эътироф этмоқдамиз, — деди "Ўзбекистон" МФЙ раиси Т.Набиев. — Албатта, бу депутатларимиз томонидан аҳолини бевоқиф мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеалар, давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижроси билан яқиндан таништириб борилаётгани самарасидир.

Учрашувларда сайловчилар қонун ижодкорлиги янгиликларини, бир қатор қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, яқинда қучга кирган қонунларнинг мазмуни ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумотта эга бўлдилар.

Мулоқотда сайловчилар бир қатор масалаларга эътибор қаратишди. Хусусан, Шайхонтоҳур туманидаги "Ўзбекистон", "Бўстон", "Хувайдо" ва "Зафаробод" МФЙ ҳудудида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарбиб қилишда спорт майдончасига эҳтиёж сезилаётганлиги, "Бўстон" МФЙда 12-, 67-кўп қаватли уйларда киш мавсуида иситиш тизимида муаммолар юз бераётгани,



Депутат қайд этганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат ва жамият тузилмаларининг эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаолигини қучайтириш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари янги босқичга кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори халқимизни янада руҳлантириб юборди.

Ўз депутатлик фаолияти, учрашувлар оралиғида электротат манфаатлари билан боғлиқ амалий ишлар ва натижалар ҳақида атрофлича сўз юритиб, депутат фуқароларнинг саволларига жавоб берди ва айни пайтда уларни ўйлантираётган масалалар ҳусусида фикрлашди.

Ж.Пирматов иштирокида "Самарқанд", "Қантарли", "Иби Сино", "Гулистон", "Оқ олтин", Миришқор туманидаги "Дўст-



лик", "Қурама", "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтган учрашувлар ҳам қизиқарли ва эсда қолали тарзда кечди. Жамшид Пирматов сайловчилар хузурида "Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, ишлаб чиқилаётган бошқа янги қонун лойиҳаларининг аҳамияти тўғрисида батафсил маълумот берди.

Партия фракцияси аъзоси Абдуғани Умировнинг Қамани, Шахрисабз, Дехқонобод тумани сайловчилари билан ўтказган учрашувларида маърузачи парламент кўйи палатаси фаолияти ҳусусида атрофлича фикр-мулоҳаза юритди. Айниқса, депутатнинг Қамани туманидаги "Ойнакўл", "Учтепа" МФЙларида, Шахрисабз туманидаги "Оқсув" қишлоқ фуқаролар йиғини ва Дехқонобод туманидаги "Оқшўлоқ", "Терак-ли" маҳаллалари сайловчилари билан ўтказган учрашувлари самимий, фойдали баҳс-мунозаралар тарзида ўтди.



— Учрашувлар давомида парламентимиз кўйи палатаси томонидан ишлаб чиқилаётган бир қатор янги қонун лойиҳаларининг аҳамияти тўғрисида маълумот берди, — деди "Ойнакўл" маҳалласи фаоли Хайрулла Болтаев. — Шу билан бирга, мутасадди ташкилотлар масъул ходимлари қатнашган маъруза учрашувларида сайловчилар "Ойнакўл", "Учтепа" маҳаллаларида истиқомат қилувчи фуқароларни тоза ичимлик суви ва томорқаларини оқар суви билан таъминлашда бир қатор муаммолар юзга келаётганини билдиришган эди. Шуниси эътиборликки, депутат аралашуви билан мутасаддилар бу камчиликларни тезда бартараф этишди. Бундан хурсандимиз.

НАВОЙИ ВИЛОЯТИ.

Депутатларнинг Ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан сайловчиларга ахборот бериш, қабул қилинган қонунларнинг қандай ишлайётгани, соҳаларда, ҳўжалик юритиш амалиётида бугунги кунда қандай янги қонун ва ҳуқуқий нормаларга эҳтиёж сезилаётгани, сайловчиларни қандай муаммолар ўйлантираётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш, депутатларнинг электротат олдидан ҳисобдорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Қонунчилик палатаси депутати Зафар Султоновнинг Навбахор туманида сайловчилар билан ўтказган учрашувларида ҳам бу муҳим жиҳатлар ўз аксини топди. Тумандаги "Қоровултепа", "Қизилтепа", "Янги йўл" маҳаллалари аҳолиси ва "Қора тоғ чорбаси" фермер хўжалиги ишлаб чиқариш торқонаси ходимлари, халқ депутатлари Навбахор туман Кенгаши депутатлари иштирокида бўлиб ўтган очик мулоқотлар юртимиз равнақи учун ҳар бир фуқаро ўзида масъулият ҳиссини сезиб яшаётганини кўрсатмоқда.

Учрашувларда, хусусан, аҳолиға сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги лойиҳа ва дастурлар ижроси, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустақамлаш, янги шифохоналар, амбулатория масалаларида олиб борилаётган ишлар, айниқса, аҳолининг сифатли тиббий хизматдан самарали фойдаланиш масалалари диққат марказида бўлди.

Фуқароларнинг депутатта мурожаатлари ва уларда келтирилганидек, аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши, табиий газ, электр энергиясидан фойдаланишга доир, пенсия, нафақаларнинг ўз вақтида берилиши ҳамда жойларда тўлов терминларига боғлиқ масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қилинган ишлар ҳақида З.Султонов алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, депутат сайловчиларни қизиктирган саволларга атрофлича жавоб берад экан, айрим саволлар мазмунидан келиб чиқиб, тегишли ташкилотлар раҳбарлари номига депутатлик сўровлари киритишни таъкидлади.

мақсад ва вазибаларини янада аниқлаштириш, асосий тушунчаларни очиб бериш, энг муҳими, унинг барчаға бирдек тушунарли бўлишиға, қабул қилинган сўнг амалиётда қўлланилишини ҳам енгиллаштиришға хизмат қилувчи зарур таклиф-таъсиялар ишлаб чиқарилганини таъкидлади.

Таъкидлаш лозимки, бундай учрашувлар депутатлар сайловчиларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифлари асосида ишлаш имконини ҳам янада кенгайтиради.

Баҳриддин ҚҮРБОНОВ,
Навоий вилоят кенгаши бош мутахассиси,
Комил САХАТОВ, Акбаржон НАЗАРОВ, Феруз ЖҲҲРАЕВ,
"Adolat" мухбирлари

Партия фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларида маълумотлар берилади.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Партиянинг жамоатчилик ўртасидаги нуфузи ва обрўсини оширишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ва депутатларнинг ўрни муҳим саналади.

Аниқ ва асосли таклифлар

орқали камчиликлар бартараф этилади

Зеро, уларнинг фаолиятидаги эътиборға молик натижалар одамларда партияимиз ва унинг дастур, мақсадларига бўлган ишончини ҳам мустақамлайди. Шу боис Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг фаолигини оширишға алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айни мақсадға қаратилган сиёсий ўқувлар, семинар-тренинглар кундан-кунға ўз ижобий самарасини бераётганлиги фаолиятимизда намоён бўлапти.

Хусусан, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи фаолиятидан ҳам бу фикрларни ифодақилдиган бир қатор мисоллар келтириш мумкин. 11 нафар партиядошимизни бирлаштирган маъруза депутатлик гуруҳи шаҳар ҳудудидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларға ечим топишда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида сайловчилардан тушган аризалар асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига киритилган 30 дан ортиқ депутатлик сўровларининг аксарияти ижобий ҳал этилиб, фуқароларнинг манфаатлари рўйбга чиқарилди. Жумладан, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашиға 27-Ўзбекистон сайлов округидан сайланган депутат Бахтиёр Сафаров "Ўзбекистон" маҳалласи ҳудудида жойлашган иккита кўп қаватли уйдига хонадонларни ичимлик суви билан таъминлаш масаласида вилоятдаги "Сув-оқова" давлат унитар қорхонаси раҳбари номига депутатлик сўрови киритган эди. Ушбу муаммо тез орада ҳал қилиниб, маъруза уйларидаги 80 та хонадонни узлуксиз равишда тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилди.

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи томонидан фуқароларнинг мурожаатлари асосида шахарнинг "Гулистон", Фарҳод, Иби Сино маҳаллаларидаги бир қатор ички йўллари асосий йўлларға туташтириб, чорраха очиш ва аҳолиға қулайлик яратиш ҳусусида вилоят ҳокими ўринбосари номига киритилган депутатлик сўрови атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳозирда мутасадди ташкилотлар томонидан чорраҳаларни очиш ишлари бошлаб юборилган.

Депутатлик гуруҳи аъзоларининг ташаббуси билан 2015 йил 30 декабрда халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик қарточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича Термиз шаҳрида олиб борилаётган ишлар ва мавжуд муаммолар" масаласи юзасидан сессиянинг тегишли қарори қабул қилинган эди. Маъруза қарорға мувофиқ, Кенгашнинг навбатдаги сессиясида айни масала юзасидан Термиз шаҳар давлат солиқ инспекцияси мансабдор шахсларининг ҳисоботини эшитиш назарда тутилган. Ҳозирги кунда депутатлик гуруҳи аъзолари сессия қарориди белгиланган вазибалар ижроси бўйича назорат ишларини масъуллик билан давом эттиришмоқда.

Негаки, фаолиятнинг бирор-бир йўналишида озгина суст-кашликка йўл қўйиш ҳам оддий камчиликнинг жиддий муаммоға айланишиға сабаб бўлиб қолади. Депутат сиёсатчи ва ҳар бир масаланинг моҳияти, асосий сабабини тез илғай олиши, уни ечишда аниқ ва асосли таклифларни илгари суриш қобилиятиға эга бўлиши зарур. Ана шундангина амалий сарф-хароқатлар ҳудудларни ривожлантириш ва пировардида юрт равнақиға хизмат қилади.

Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

Болажонлар қалбидида юрт мадҳи

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ — ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

Ёз кунларида болалар дам олиш оромгоҳларида фарзандларимиз бахтиёр болаликнинг беғубор ва қувноқ дамларини янада мазмунли ўтказишмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, шаҳар ва туман кенгашлари томонидан айни ёз кунларида болаларнинг сеvimли маскани ҳисобланган болалар дам олиш оромгоҳларида маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари ташкил этиб келинмоқда.

Қанлиқўл туман партия кенгаши томонидан тумандаги "Сункар" болалар оромгоҳида партияимизнинг "Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлу" ижтимоий лойиҳаси доирасида "Соғлом ва баркамол авлод — миллатимиз таяничи" мавзусида тадбир ташкил этилди. "Қамолот" ЁИХ туман кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда болажонларға мамлакатимизда истиқлол яратган имкониятлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Тадбир давомида болалар учун бир қатор қизиқарли ўйинлар ўтказилди, оромгоҳ тарбияланувчиларининг она Ватан ва мустақиллик мавзусидаги шеърхонлик баҳси бора-бора завқ бағишлади, ғойибларға эсдалик совғалари топширилди.

— Жажжи болажонларнинг дил сўзларига қулоқ солар эканмиз, соғлом авлодни вояға етказиш йўлида яратилган имкониятлар натижасида, ҳақиқатан ҳам бугунги эзгу ишларимизнинг эртанги ҳақиқий давомчилари ўсиб-ўлғаяётганлигидан қалбимиз фаҳраға тўлди. — деди туман партия кенгаши раиси Зауреш Юсупова. — Буларнинг барчаси, албатта, мамлакатимизда таълим соҳасида амалға оширилган кенг қўламли ислохотлар самарасидир.

Мана шундай тадбирларни ўтказишда қўлланган асосий мақсад ҳам келажагимиз эгаларининг маънавий ва ахлоқий етуқлиғига эришишдир.

Шарипа ТОРЕШОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби



АНДИЖОН. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муҳаррам Дадаходжаеванин Андиджон туманидаги сайловчилар билан учрашувлари ҳам қизғин байрамға тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори юзасидан Андиджон вилоятида амалға оширилаётган ишлар ҳусусида сўз берди.

— Чиндан ҳам бугун юртдошларимизнинг қайфияти, мустақиллик туғайли эришаётган ютуқларимиздан мамнун эканликларини бир сўз билан ифодақилди кийин, — деди "Харабек" қишлоғида яшовчи фуқаро Омархон Қодирова. — Айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёшларға эътибор ва рағбатлик бекиёб бўлмоқда. Бу ўз-ўзидан эртанги кунимиз янада фаровон бўлиши ва Ўзбекистонимиз бундан-да ривожланишидан дарак беради. Фарзандларимиздаги дарақлик, ташаббускорлик уларға бўлган эътиборға муносиб жавоб, деб айтиш мумкин.

Учрашувда сўз олган 54-мактаб директори М.Аҳмедова, халқ депутатлари Андиджон туман Кенгаши депутати Д.Алихонова, "Хартум" ҚФЙ фаоли Л.Паттаевлар ҳам туб ислохотлар, бунёдкорлик ишларида фуқаролар фаол иштирок этаётганиға эътибор қаратишди.

М.Дадаходжаеванин кўйи палата депутатлари томонидан қонунчилигимизға киритилган янги ўзгаришлар ҳақидаги ахбороти ҳам учрашув катнашчилари диққатини жалб этди.

Сайловчилар берган саволлар мазмуни жамият таракқиети ва ҳудудларда ҳал этилиши зарур бўлган долзарб масалалар билан боғлиқлиги фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини яна бир бора ифодақилди. Жумладан, мактабларда ҳамширалик шпатаини ташкил этиш, ҚВШларға замонавий ЭКГ ва УЗИ жиҳозларини келтириш, нафақа олувчиларнинг пластик қарточкадаги маблағларини нақдлаштириш, қишлоқ жойларда чикиндилар учун махсус жойлар ташкил этиш каби масалалар ўртаға ташланиб, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шу билан бирга, М.Дадаходжаева сайловчиларнинг фикридан келиб чиқиб, "Парламент назорати тўғрисида"ги қонуннинг маз-

Гиёҳвандлик —

саломатлик, интеллект ва тараққиёт кушандаси

ТАҲЛИЛ

Инсоният ўз ақли, меҳнати, билим ва иқтидори билан янгидан-янги чўққиларни забт этаяпти, мисли кўрилмаган кашфиётларга қўл урмоқда. Айни пайтда дунёда халқлар, миллатлар келажагига таҳдид солаётган хатарлардан бири — гиёҳвандлик иллатининг учрашига ҳам инсониятнинг ўзи сабабчи бўлаётгани гоят ачинарли ҳолдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда 27 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Унинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Энг ачинарлиси, гиёҳвандлик оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон дунё «қора бозори»да тарқатиладиган қорадорининг асосий қисми етиштирилладиган давлат — Афғонистон билан чегарадош. Шу боис юртимизда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ёки бундай зарарли воситалар истеъмол қилинишининг олдини олишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Июнь ойи давомида республикада «Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги» ўтказилишидан кўзланган мақсад ҳам наркотик моддаларнинг истеъмоли, ноқонуний айланиши билан боғлиқ муаммоларга жамият эътиборини қаратиш эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази халқаро бўлими бошлиғи Азизбек Эркабаев билан суҳбатимиз ҳам бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган чоратadbирлар, уларнинг самарадорлиги хусусида бўлди.


— Республикада наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Айтиш-чи, бу борада олиб борилётган ишлар самара бераётими?

— Албатта, мамлакатимиз наркотикларга қарши кураш борасидаги асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни БМТнинг Конвенцияларига қўшилиб, улар доирасида иштирокчи давлатдан барча талаб этиладиган ҳаракатларни тўлалигича амалга ошириб келмоқда. Миллий конунчилигимизда наркотик моддалар тарқалишининг олдини олишни кучайтириш, таркибда наркотик моддалар ва психотроп воситалар бўлган тиббий дори-дармонларнинг конуний айланишини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот идораларининг тежвор ва эксперт-криминалистика фаолиятларини такомил-

лаштириш, гиёҳвандликка ча-лингган шахсларни даволаш ва бошқа муҳим масалаларнинг ҳуқуқий асослари белгиланган.

Бундан ташқари, Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси тузилган бўлиб, комиссия таркибда ҳуқуқ-тартибот идоралари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бир қаторда таълим, меҳнат, солиқ, адлия тизими масъуллари иштирок этиши мамлакатимизда наркотик моддалар тарқалишининг олдини олишга давлатнинг барча идоралари масъул эканлигини кўрсатиб турибди.

Гиёҳвандлик — ижтимоий касаллик. Унинг олдини олиш, аввало, мазкур хасталикнинг сабаб бўлувчи омилларини бартараф этиш, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларнинг спортга жалб этиш ва, албатта, ёшларнинг маънавий дунёсини умуминсоний кадриятлар ва миллий ғурур хисси-



билан бойитиш ҳамда бошқа кўплаб хайрли амаллар билан боғлиқ кенг қўламли чораларни амалга ошириш демакдир.

2015 йил давомида 1268 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиши натижасида чегараолди ҳудудларда яшовчи 326,3 мингга яқин аҳоли, шунингдек, меҳнат миграциясидан қайтган 95,1 минг нафар фуқаролар ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларидан 96,7 минг нафар бандликка қўмақлаштириш марказлари орқали ишга жойлаштирилган.

Яна бир мисол: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидagi барча ўқув муассасаларида тўғарақлар фаолияти кайта кўриб чиқилиб, бу борадаги ишларнинг самарасини оширишга қаратилган чоратadbирлар белгиланди. Жумладан, ўқувчиларнинг фанларга, касб-хунарга, оммавий спорт ва жисмоний тарбия, санъат ва бадий ҳаваскорликка бўлган қизиқишларини қондириш мақсадида таълим муассасаларида интеллектуал, бадий эстетик, санъат ва бошқа бир қатор йўналишлар бўйича тўғарақлар ва спорт секциялари фаолияти кайтадан ташкил этилди.

— Бутун дунёда авж олиб бораётган наркожиноятларнинг фош этиши, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишини бартараф этиш борасида Ўзбекистон қандай натижаларни қўлга киритмоқда?

— Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан олиб борилган комплекс чоралар натижасида 2015 йилда 6648 наркожиноят фош этилган бўлиб, улардан 3017 таси наркотик моддаларнинг ўтказиш-сотиш, 709 таси контрабанда, 1301 таси тақиқланган экинларни экиб, етиш-

тириш, шунингдек, бошқа турдаги конунбузарликлар билан боғлиқ бўлди. 2,5 тоннадан ортиқ наркотик моддалар, яъни героин, марихуана, опий, кўкнор ва психотроп таблеткалар мусодара қилинди. «Қорадори-2015» кенг қамровли тадбирда жами 5132 кв.м майнда экиб, етиштирилётган таркибда наркотик моддалар бўлган ўсимликлар аниқланган ва йўқ қилинган.

Жорий йилнинг 1 чораги давомида наркотик моддалар билан боғлиқ 1391 та жиноят аниқланган ва 800 кг.га яқин гиёҳвандлик воситалари мусодара этилган. Республика суд органлари томонидан ушбу даврда наркотик воситаларининг ноқонуний муомаласига оид жиноят ишлари бўйича 1042 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

— Вазирлик, идоралар, маҳаллалар, «Камолот» ЁИХ қаторида жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, шу жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзолари ҳам жойларда гиёҳвандлик воситалари истеъмолининг олдини олишга бағишланган давра суҳбатлари, учрашувлар ва мулоқотларни ташкиллаштиришда фаолликни қўлдан бой беримаяпти. Хусусан, партия ташаббуси билан 2016 йилнинг 5 ойи давомида республикада таълим муассасаларининг 3 минг нафаридан зиёд ўқувчи-талабалари иштирокида 60 га яқин давра суҳбати ўтказилган бўлиб, иштирокчиларга «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Еш умрингни завол қилма» мавзуларида маърузалар қилинган. Бу борадаги вазиятни янада яхшилаш учун нималарга эътибор қаратиш

лозим, деб ўйлайсиз?

— Хабаримиз бор, мамлакатимиздаги тўртала сиёсий партиялар, уларнинг фаол, етакчи аъзолари ҳам бу мавзуга нисбатан бефарқ эмас. Яъни, гиёҳвандлик иллатини бартараф этиш, унинг олдини олиш бўйича ҳар бир сиёсий партия ўз нуктаи назари, позициясига эгаллиги қувонарлидир.

Айни пайтда бир масалага эътибор қаратиш керак. Дунё давлатлари ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан кўрилатган чораларга жавобан наркобизнес билан шугулланувчи жиноий гуруҳлар конунчиликда акс эттирилмаган янги наркотик воситаларни ишлаб чиқишга ва уларни тарқатишнинг замонавий усулларини қидириб топишга уринишмоқда. Хусусан, дунё «қора бозори»да анъанавий-табиий моддалар билан бир қаторда, янги синтетик гиёҳвандлик воситалари («спайс» ва бошқалар)нинг айланиши ҳолатлари кузатишмоқда. Ўзбекистон ҳудудидида янги синтетик гиёҳвандлик воситалари тарқалишининг олдини олиш мақсадида конун ва конуноти ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомаласида бўлишни юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати қўшимча 80 турдаги наркотик моддалар номи билан кенгайтирилди. Ҳозирги кунда мутасадди ташкилотларнинг мутахассислари иштирокчида наркотик моддаларнинг аналоглари, яъни ўз хусусиятлари билан худди гиёҳвандлик воситалари каби руҳиятга таъсир этадиган кимёвий моддалар билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатлар учун жавобгарлик белгилаш устида иш олиб боришмоқда. Бу борадаги миллий конунчиликни такомиллаштиришда сиёсий партиялар янада фаолликни оширишга мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

«Adolat» мухбири Саодат СОДИҚОВА суҳбатлашди.

Хуқуқий масалаҳат

— Ёз фасли озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва истеъмоли учун бироз хавфли мавсум ҳисобланади. Шунга кўра, истеъмолчилар маҳсулотлар харидада нималарга эътибор беришлари лозим?

Р.Ғазиев, Тошкент шаҳри

— Мавжуд тартиб-қоидаларга кўра, озиқ-овқат маҳсулотларини йилнинг барча мавсумида витринада қўйиш нурлари ва ёнгарчиликларнинг тўғридан-тўғри таъсирига учрайдиган ҳолатда, шунингдек, уларни ёнма-ён сақлаш тартиби бузилган ҳолда сақлаш ва жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Гўшт-сут, балчиқ, қандолатчилик маҳсулотлари (бисквит тортилар, тирожнолар ва бошқалар), ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр масалликлар ва бошқа тез бузиладиган маҳсулотларни сотишга фақат соғутиладиган пештахталар, витриналар бўлган тақдирда руҳсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига биноан, ҳар бир истеъмолчи ўзи харид қилаётган маҳсулотни тўғрисида ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри маълумот олиш ҳуқуқига эга. Унга кўра, харид қилаётган маҳсулотнинг мувофиқлик сертификати сўрашга ҳақли. Сотувчи ҳам ўз ўрнида харидорнинг биринчи талабидеъқ уни тақдим этиши шарт.

Истеъмолчи озиқ-овқатларни харид қилиш жараёнида, аввало, унинг қадоғидеъқ маълумотларга ва қандай ҳароратда сақланаётганига эътибор қаратиши керак. Маҳсулотнинг қадоғи ва ўрамини унинг қайси давлатга тегишлилиги, уни ишлаб чиқарган корхона ва маҳсулотнинг номи, оғирлиги, ишлаб чиқарилган сана, яроқлилик мuddати ва сақлашни меъёрлари қайд этилган бўлиши керак. Мазкур маълумотлар қайд этилган ва меъёрли ҳароратда сақланиб, сотиладиган маҳсулотлар истеъмолга яроқли ҳисобланади.

— Ҳаридор маҳсулотларнинг сифатсизлиги, яроқлилик мuddати ўтганлиги каби ҳолатларга дуч келганда қандай йўл тутиши ёки қаерга мурожаат қилиши керак?

Н.Нўъманова, Самарқанд вилояти

— Амалдаги ҳуқуқий меъёрларга кўра, маҳсулотларнинг сақланиши ва яроқлилик мuddатини назорат қилиш сотувчи-ҳодим зиммасига юклатилган. Шу билан бир қаторда сотувчи-ҳодим товарнинг номи, унинг сорти, маркази, модели, тиби, товарнинг оғирлиги, ўлчамли ёки бирлигига нархи кўрсатилган ҳолда сотиладиган товарларнинг ягона намунадаги ва аниқ расмийлаштирилган нархномалари бўлишини таъминлашга ҳам мажбурдир.

Истеъмолчи ҳолда шохобчаларида яроқлилик мuddати ўтиб сифатсиз ҳолга келган маҳсулотларга дуч келса, биринчидан, албатта, бу ҳақда сотувчига мурожаат қилиши керак ва маҳсулот сотувдан олиб ташланиши зарур. Чунки бундай маҳсулотлар инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туддириши мумкин.

Иккинчидан, истеъмолга яроқсиз маҳсулот харид қилган бўлса, мавжуд тартиб-қоидаларга кўра, назорат-касса чеки билан бир сутка давомида уни сифатлигига алмаштириб олиши мумкин. Бундан ташқари, харидор сотиб олинган товарни рад этишга ва товар учун тўланган пул суммаси қайтарилишини талаб қилишга ҳам ҳақли.

Истеъмолчиларнинг харид жараёнида ҳуқуқлари бузилса, ўз манфаатларини ҳимоя қилиб, ваколатли давлат органлари ҳамда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг «1091» ишонч телефонида мурожаат қилишлари мумкин.

Саволларга Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳуқуқий бўлим бошлиғи в.б. Нодир МУҲАММЕДОВ жавоб берди.

Жўшниллар хушёр бўлса...

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Деҳқон — ер султони, дейди доно халқимиз. Чиндан ҳам, ер билан тиллашган, унга меҳр берган киши борки, ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Албатта, бунда деҳқоннинг экаётган экини ва ундан кўзланган мақсад ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳеч қаерда ишламай, яқинларининг ёрдами билан кун кечирингача одатлашиб қолган гурланлик Фулом Сапармуродов (мақоладаги исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг бун вақти кўп бўларди. Қулардан бир кун у «Хаш-паш дегунча ярим аср умрни яшаб кўйибман-а, нима қилиб бўлса ҳам, пул топмасам бўлмайди. Оилада хурматим йўқолиб борапти», деб ўйлаб ўтириб, хаёлига келган «ажойиб» бир фикрдан хурсанд бўлиб кетди...

Фулом ховлисининг боғ томонига маккажўхори экинни кўзлаб турганди. Шу экин орасига таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган «каннабис» ўсимлиги уруғини сочиб, ўз «деҳқон»чилигини бошлаб юборди. Мазкур турдаги

ўсимликни экиш, етиштириш ва тарқатиш Ўзбекистонда тақиқланганлигини билса-да, ўз фикридан қайтмади.

— Аввалига «кайфиятни кўтарувчи» бу ўсимликни маҳалладаги танишларимга текинга бераман, уёғига «пул»нинг ўзи мени «излаб» келади, — деб ўйлади у.

Дастлаб маккапоялар орасига ташлаган уруғдан олинган «хосил»ни ўзи «табиб» кўрди. Яъни «каннабис» ўсимлиги япроғини қуритиб, сигарета шаклида истеъмол қилиб кўрди. Караса, хосил пишнингча озроқ бор экан. Ҳечқиси йўқ, кутади.

Ўсимлик тўлиқ пишгач, томири билан узиб олиб, молхонаси ёнидаги оямборхонага олиб бориб, қуритди ва поясидан барглари ни ажратиб

олиб, қозоғга ўраб, яшириб қўйди. Энди буларни ўтказадиган мижоз топса бўлган.

Мижозни узоқ вақт қидирмади. Маҳалладаги Раҳим аканинг тўйида танишган ва бирга улфатчилик қилган Дилшод Бобораҳимов билан баҳам кўргиси келди. Ўшанда дастурхондаги ноз-неъматлардан кўнгли тўлмаган икки «дўст» маросимдан чиқиб, туман марказидаги ошхонада базму жамидни давом эттиришганди. Унда янги таниши Дилшоднинг хисобидан байрам уюштирилганди. Ана энди «мен дўстимни хотамтойликда орда қолдираман» деб ўйлаган Фулом Дилшодни қишлоқдаги коллектор оқиб ўтган пахта даласи бўйига олиб борди. Иккаласи гиёҳвандлик моддаси солинган сигаретани хуморидан чиққунча чекишти.

Дилшод Бобораҳимов келаси ҳафтада яна бир танишини Фуломнинг олдига етаклаб келди. Шу алфозда Дилшоднинг таниши бошқа дўстни, у эса яна аллаканини Фуломнинг ёнига олиб келди. Кайфиятни сунъий равишда



кўтарувчи бу ўсимлик, аниқроғи уни экиб, етиштирган «деҳқон»нинг доғруғи бутун

қишлоқ бўйлаб тез орада тарқалиб кетди.

Бир кун Фулом ҳамтоволари билан қойхонадан маст ҳолда чиқиб кетаётганди. Йўлда ён қўшилари Тожи-мурот ва Қобилини учратиш қолди. Жонқуяр маҳалла фаоллари Фуломни тўғри йўлга бошлаш ниятида эди. Бир мuddат уёқ-буёқдан суҳбатлашингач, гапнинг индалдосига ўтишди. Фуломга ховлисидида бу турдаги зарарли воситани экиши, тарқатиши ногўғри эканлиги, яхшии вазиет янада чигаллашмасидан хонадондаги ноқонуний равишда сақлаб келаётган гиёҳвандлик воситасини ўз ихтиёри билан туман ИИБ ходимларига бериши лозимлигини тушунтиришди.

Шундан сўнг Фулом ўзига келиб, қилиб турган номақбул ишидан уялди, маҳалладошларининг маслаҳатларидан тўғри хулоса чиқарди ва ўз ихтиёри билан ИИБ ходимларига уйда яшириб қўйган гиёҳвандлик воситаси ва унинг поялари, уруғини топширди.

Жиноят ишлари бўйича Гулран туман суди ашёвий далил сифатида эътироф этилган 8,21 грамм гиёҳвандлик воситасининг экспертиза тадқиқоти жараёнида сарфлангандан қолган қисми, 12,11 грамм «каннабис» ўсимлигининг пояси, 0,06 грамм уч дона «каннабис» ўсимлигининг уруғи

ҳамда гиёҳвандлик моддалари туркумига кирмайдиган 1,13 грамм қорамтир рангдаги хидсиз моддаларни тегишли тартибда йўқ қилишнинг лозим тоғди. Шунингдек, айбланувчи Фулом Сапармуродовга нисбатан уч йилу олти ой мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Хулоса ўрнида яна бир муҳим масалага эътибор қаратсак. Бир болага етти маҳалла — ота-она, деб бежиз айтилмас экан. Бу вазиятда мақолни бола эмас, бир «адашган инсон»га жумласи билан ўзгартирса ҳам бўлади, назаримизда. Агар қўшилари Фуломни тўғри йўлга солишмаганида, «бизга нима, қилмишига яраша жазосини олади-да» мазмунида фикрлашганида, қишлоқда гиёҳвандлик моддасига ружу қўйганларнинг сафи кенгайиб, Фуломнинг жинояти ва унга белги-ланган жазо чораси ҳам тобора оғирлашиб борармиди?..

Демак, маҳалламиз, юртимиз тинчлигига ҳар биримиз бирдек дахлдор эканлигимизни унутмаслигимиз даркор.

Раъно КАМАЛОВА, Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди судьяси Саодат ЖАББОРОВА, «Adolat» мухбири

“ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ” ТИЗИМИ АМАЛДА

➤ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Дунёда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ҳамроҳанг равишда мамлакатимизда ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан бадча соҳаларда кенг фойдаланиш ва уни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Аввало, соҳада мустақам қонунчилик базаси яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий ахборот тизимини шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ва “электрон ҳукумат”ни шакллантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган даврда ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида аҳоли манфаатларига хизмат килувчи, давлат органлари билан қулай ва самарали муносабатларни ўрнатувчи “электрон ҳукумат” тизими изчил таътиқ этилди.

Бугун давлат органлари томонидан ўз фаолиятига ахборот тизими ҳамда ресурсларини жорий қилиш бўйича жадал иш олиб борилаётганлиги натижасида давлат ахборот тизими фаолияти йўлга қўйилиб, улар орқали аҳоли ҳамда тадбиркорларга хизмат кўрсатилмоқда.

Тадбиркорларга кенг қулайликлар яратиш мақсадида давлат органларига тақдим этилган хисоботларни электрон шаклга ўтказиш натижасида солиқ ҳамда статистика хисоботлари тўлиқ электрон тарзда топширилмоқда. Хисоб-китобларга кўра, солиқ хисоботларининг электрон шаклда топширилиши туфайли солиқ тўловчилар томонидан йилга ўртача 197 тонна қороз ва 9 миллиард сўм маблағ тежаланишига эришилди.

Божхона юк декларацияларини расмийлаштириш ҳам тўлиқ электрон шаклга ўтказилиб, жорий йилнинг биринчи чорағида тадбиркорларнинг 72 миңдан зиёд ташқи иқтисодий шартномалари рўйхатдан ўтказилган.

Шу ўринда давлат органларининг ўзаро электрон муносабатини таъминловчи идоралараро электрон ҳамкорлик тизими, жорий қилинган, ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Сўнгги йилларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлангани сари мамлакатимизда ҳам мазкур соҳани такомиллаштиришнинг қонуний асосларини шакллантириш борасида самарали ишлар амалга оширилди. “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” ва “Электрон рақамли имзо

тўғрисида”ги қонунлар республика-мизда “электрон ҳукумат” тизимини яратиш борасида қўйилган илк қадамлар ҳисобланади.

Жорий йилнинг 10 июнь кунини Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни кучга кирганлигини ҳам бу борадаги муҳим воқеа, дейиш мумкин. Мазкур қонунда, энг аввало, электрон ҳукумат тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими – электрон ҳукумат ҳисобланади. Яъни, давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборот тизими (интернет) орқали электрон давлат хизматларининг кўрсатилиши, шунингдек, мазкур хизматларни кўрсатиш учун давлат органлари ўртасида ўзаро ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар айланишига қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ҳамда техник воситалар тизими электрон ҳукумат тушунчасини англатади.

Электрон ҳукумат тизимининг асосий мақсад ва вазифалари давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тежорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот айланиши таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизмларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида “бир дарча” принципини жорий этиш, шунингдек, давлат хизматларидан масофадан фойдаланилишини таъминлаш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг шу мақсадда сарфланадиган



вақти ҳамда харажатларини қисқартиришдан иборат.

Электрон давлат хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, қонунда ариза берувчининг электрон давлат хизматларини олиш чоғидаги ҳуқуқлари белгиланган.

Қонуннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, электрон давлат хизматлари “бир дарча” принципи асосида, яъни электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи бундай хизмат кўрсатиш учун бошқа давлат органларида мавжуд бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш талаб этиладиган ҳолларда, электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи мазкур ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, ариза берувчининг иштирокисиз идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш воситасида олади. Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими электрон давлат хизматлари кўрсатиш чоғида давлат органларининг функциялари ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди. Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими ахборотни тўплашга, сақлашга, унга ишлов беришга, уни узатишга ва алмашишга доир талаблар асосида ишлайди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, янги қонун ҳаётимизга кириб келиши муносабати билан «Электрон ҳукуматни ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Давлат солиқ хизмати тўғрисида», «Давлат божхона хизмати тўғрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида», «Давлат статистика тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ҳамда

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, ахборот олиш учун сўров овози, ёзма, шу жумладан, ахборот тизимлари орқали электрон шаклда бўлиши мумкинлиги, ёзма сўровда электрон манзилнинг кўрсатилганлиги мурожаат этилувчининг сўровга ахборот тизими орқали электрон шаклда жавоб олишга бўлган розилигини аниқлашга доир нормалар киритилди. Бу билан давлат органларига мурожаат қилаётган шахсларнинг ахборот олишга доир талаби ариза берувчининг хоши-истағига кўра, қоғоз ёки электрон шаклда олиш ҳуқуқини беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги ва “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги қонунларига маълумотлар ва ахборотларни алмашишда идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш орқали амалга ошириш белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунларига тадбиркорлик субъектлари томонидан мурожаатларни ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориш бўйича меъёрлар киритилиб, лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг бекор қилиниши ҳақида ахборотни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш билан бирга, ваколатли органларнинг расмий веб-сайти орқали ҳам эълон қилиш белгиланди.

“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонун давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги ошиши, юридик ва жис-

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу қонун мамлакатимизда давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги, очиқ ва шаффофлигини ошириш, фуқаролик жамияти шаклланишида давлат идоралари ва фуқаролар ўртасида ишончли муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Жамшид ПИРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

«Атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал этишда аҳоли, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш» мавзусида

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси соҳасида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳақида аҳоли хабардорлигини, жойлардаги долзарб экологик муаммоларни ҳал этишда улар фаоллигини юксалтириш;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳияти, унинг энг муҳим нормалари, жамоат экологик назоратини амалга ошириш, экологик назорат жамоат инспекторларининг фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;
3. Экологик таълимни ривожлантириш, экологик билимларни тарғиб қилиш, аҳолининг экологик ва табиий маланиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, экологик муаммоларни ҳал этишга жамиятнинг турли қатламларини кенг жалб этиш;
4. Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилишини кенг ахборот-тушунириш ишларини олиб бориш ва жамоат экологик назоратини амалга ошириш орқали олдини олиш;
5. Атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш ва жамиятга соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, соғлом авлодни тарбиялаш учун зарур шартларни шакллантириш;
6. Аҳолининг ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маҳаллалар ҳудудда санитария-экологик ҳолатни яхшилаш борасидаги фаолиятини ошириш, шу жумладан, ҳашарлар, турли тадбирлар ва акциялар ўтказиш;
7. Корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасаларида муқобил энергия манбалари, машиқ чўқиндишларни қайта ишлаш бўйича экологик тоза ва ресурс тежайдиган технологиялар жорий этилиши ҳамда ишлаб чиқаришда технологиялар такомиллаштирилишини тарғиб қилиш;
8. Атроф-муҳит муҳофазаси қилиниши кучайтириш учун зарур шартларни шакллантириш, аҳоли саломатлигига, ёшларнинг тарбиясига унинг салбий таъсирини камайтириш, жамиятга соғлом авлодни тарбиялашни ва соғлом турмуш тарзини оммалаштириш;
9. Орол ҳалокатининг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирини юмшатиш, Оролбўйи ҳудуди, мамлакатнинг бошқа экологик ноқулай ҳудудларида экологик вазиятни тиклаш ва соғломлаштириш;
10. Ўзбекистонда экологик туризми, экосайёҳлик фаолиятининг ахборот ва инфратузилмавий таъминотини ривожлан-

тириш, экосайёҳлик йўналишларини ташкил этиш, республика аҳолиси орасида экотуризмни оммалаштириш;

11. Экологик журналистикани ривожлантириш, табиий ресурсларни муҳофазаси қилиш ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича мақолалар сифатини ошириш, Интернет тармоғида Ўзбекистон табиатининг бетакорр гузаллиги ва хилма-хиллиги, ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бағишланган ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги махсус манбаларни яратиш;
12. Ноёб ҳайвонот ва ўсимлик турларини кўпайтириш ва муҳофазаси қилишнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
13. Ўсим келаяётган ёш авлоднинг энергияни иқтисод қилиш ва ресурс тежайдиган технологияларнинг муҳимлиги масалаларига бўлган дунёқарши ва муносабатини тубдан ўзгартириш мақсадида тарбиявий-маърифий ишларни кенгайтириш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
 2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
 3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низом) нусхаси;
 4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
 5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолият талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
 6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.
- Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмга.
- Ҳужжатлар 2016 йил 25 июндан 10 июлга қабул қилинади.
- Ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди» номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёкдор кўчаси, 1-уй.
- Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
- Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

«Мустақиллик йилларида республика ҳаётининг турли соҳаларида эришилган ютуқлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш» мавзусида

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. “Гўзал ва бетакоррмисан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган бош ғояни ўзда мутасам этган амалий, маданий-маърифий ва ахборот-тушунириш тадбирларини ташкил этиш;
2. Ўзбекистон халқига миллий давлатчилик ва онгини, анъаналар ва урф-одатларни тиклаш, буюқ сий-молларнинг номларини шарафлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича чексиз имкониятлар тақдим этган мустақилликнинг аҳамиятини очиб берадиган махсус теледастурлар, мақолалар тайёрлаш;
3. Ўзбекистонда тинчлик ва оқошталликни сақлаш, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини мустақамлаш, мамлакатимизда яшаб келаятган турли миллат ва элаларнинг миллий анъаналари, урф-одатлари ва удувларини сақлаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;
4. Тараққиёт йўлининг бешта тамойилига асосланган ва халқро ҳамжамият томонидан эътироф этилган “Ўзбек модели”нинг мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланган таҳлилий материаллар туркумини чоп этиш;
5. Ўзбекистонда юрифтадиган кучли ижтимоий сиёсатнинг ҳаётга таътиқ этилишини аниқ мисолларда кўрсатиб берадиган маълумотни кенг жамоатчиликка етказиш;
6. Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатининг асосий жиҳатлари, олиб борилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг натижаларини акс эттирувчи ҳолисона ва ишончли ахборотни инглиз ва бошқа чет тилларида тарқатиш мақсадида иختисослашган сайтларни ишлаб чиқиш ва Интернет тармоғида жойлаштириш;
7. Турли тилларда Ўзбекистон тарихи, маланияти ва санъати, етук шахслари, мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли соҳаларида республика эришган ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш ва Интернет тармоғидаги иختисослашган энциклопедик манбаларда жойлаштириш;
8. Хорижий аудитория орасида Ўзбекистон халқлари номоддий маданий мероси (халқ бадийи ҳунармандчили-

ги ва амалий санъати, фольклор ёдгорликлари, миллий байрамлар, фестиваллар, миллий ошхона ва бошқалар)ни оммалаштириш;

9. Интернет тармоғида Ўзбекистон халқларининг бой тарихий-маданий меросини акс эттирадиган ноёб экспонатларга оид ахборот материалларини тарқатиш;
10. Ўзбекистон халқларининг тарихи ва маланиятини оммалаштириш, унинг тарихий-маданий меросига, табиатининг гузаллиги ва хилма-хиллигига жалб қилишга қаратилган фото тавловларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
 2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;
 3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) нусхаси;
 4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;
 5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси.
 6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин.
- Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори – 25 миллион сўмга.
- Ҳужжатлар 2016 йил 25 июндан 25 июлга қабул қилинади.
- Ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди» номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёкдор кўчаси, 1-уй.
- Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
- Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

“Бухоротуризм” миллий компанияси Бухоро минтақавий бўлимининг 29.06.2016 йилдаги №01-04/276-сонли буюртма хатига асосан бўлимга тегишли, 2009 йилда и/ч, д/р 80/961 МАА бўлган “LACETTI” русумли автотранспорт воситаси такрорий “Очиқ Аукцион” савдоларига чиқарилмоқда.

Б/б – 22 000 000 сўм.
Такрорий аукцион савдоси 2016 йил 18 июль кунини соат 11:00 да савдо ташкилотчининг савдолар залида бўлиб ўтади.

Ўқоридиган автотранспорт воситаси 2016 йил 18 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 25 июль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖнинг ЧЭКИ Савдогарбан Бухоро филиалидаги х/р: 2020800050501774001, МФО: 00112, ИНН: 302485226 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.
«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ. Манзил: Бухоро шаҳар. Мустақиллик кўчаси 12-уй. Телефон: (0365) 221-54-43.
Гувоҳнома рақами №0000034.

БИР УМРЛИК ҚУВОНЧ...

► Мустақилликнинг 25 йиллиги олдида

Мустақиллик қалбларимиздаги Ватан туйғусини баланд тоғлар каби юксалтирди. Шу сабаб, дунёни эзгу амалларимиз, бунёдкорликларимиз, ижодкорликларимиз, яратувчиликларимиз билан қойил қолдиришга қодир бўлдик.

Алишер Навоий хазратлари айтганларидек, "Бир, бир не дейин, бошдин оёгинг яхши..." Яъни ўтган чорак аср давомида қилingan оламшумул ишларнинг қайси бирини айтиб адоғига етиш мумкин. Уларнинг таъриф-таъсифига сўз етмаётгандай туюлади.

Хоразмда юз бераётган янгиланишлар ва иқтисодий-ижтимоий юксалишларга биринчи ташлаб ҳам мустақиллик шарофати ва саодатининг ёрқин қиёфасини кўриш мумкин. Президентимизнинг 2012 йил 6 декабрда қабул қилingan "Хоразм вилоятининг ободончилик ва аҳоли сув таъминотини тубдан яхшилаш, Урганч шаҳар бош режасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилган бунёдкорлик натижасида вилоят маркази янада замонавий қиёфа касб этди. 2013-2015 йиллар ва жорий йилнинг биринчи чораги давомида Урганч шаҳрида 1 триллион 231 миллиард 600 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Натижада шаҳарнинг барча ҳудудлари янгиланди. Янги замонавий тураржой иморатлари, аҳолига хизмат кўрсатиш масканлари, таълим-тарбия ҳамда спорт муассасалари бунёд бўлди.

Хисоб-китоб ҳадду мезон, бирлик ва ўлчов илмларининг беназир билимдони ал-Хоразмий хазратлари сонларга чексиз эрқу ҳуррият бахш этди. Уларни инсон тафаккури ва идроки измига содди. Аммо, эркин сонларнинг қудратли тошу тарозисига ҳамма ҳам, ҳамма вақт ҳам дош берган эмас. Аниқ ва равшан ҳисоб-китобларсиз, имкон ва режа тасаввурларсиз тузилган сонлар кетма-кетлиги кўп ўтмай

дарз кетган. Бунга тарих гувоҳ, бугунги кун шохид. Аммо, бизнинг юртимизда улур алломалар илми пухта ўзлаштирилганлиги сабабли, ҳар қандай сон-санок, ҳисоб-китоб охир оқибатда тўғри чиқиб, қувончли натижалар бермоқда. Бундай мамлакат жаҳонда камдан-кам. Бундай юрт билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Бугун Урганч шаҳрининг равион йўлларида эски давр авто-



ПУБЛИЦИСТИКА

даражага эришамиз, деб ўйлар эдик. Бугун эса, тарихан бир қиска даврда ана шу энг ривожланган мамлакатларни ҳам қувиб етдик. Эндиликда кўплаб турдаги замонавий автомобиллар оқимига ҳар кун гувоҳ бўлиб турсак-да ажабланмай-

лиги, өзгирлиги ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Мустақиллик бизга ана шу ахиллик бахтини ҳам хатлаб берди.

Истиқлол Ватан туйғусини қалбларимиздаги меҳру муҳаббат тоғига айлантирди. Энди биз шу тоққа суяниб дунёни

неча кунлик, бир неча ойлик, бир неча йиллик ва бир умрлик.

— Менга айнан шу бир умрлик қувонч керак, — дебди шоғирд.

— Шошилма, — дебди устоз, — юқорига зинама-зина юриб кўтариладилар. Хис-туйғу қувончи — бир неча ойлик. Бойлик қувончи — бир неча йиллик.

Шоғирд сўнгги қувончини айтмай сукут сақлаган устозига илтижо билан тикилибди. Бунинг англаган донишманд шундай дебди:

— Ватанга муҳаббат қувончи — бир умрликдир!


— Тушундим, — деб хитоб этибди шоғирд.

— Лаҳзалик қувончдан маст бўлма, — дебди устоз. — Мен сўзимни хали тугатганим йўқ. Асосий гапим хали олдинда. Шу гапни мудом қулоғингда сақла. Бир умрлик қувонч, яъни Ватанга муҳаббатда қолган бошқа тўртта муҳаббат ҳам ўз-ўзидан бино бўлади. Яъни хис-туйғуларинг завқ-шавқ, фарзандинг умид ва ишонч, никоҳинг ғурур туюдиради. Мол-дунёнинг эса тоғли бўлади.

Бир умрлик қувонч. Ҳаммамиз ана шундай қувончга сазовор бўлганмиз. Уни бизга Мустақиллик бахш этган.

Мустақиллигимиз боқий бўлсин! Шунда умримиз ҳам боқий бўлади. Яъни биздан азиз ва муқаддас Ватан мерос бўлиб қолади. Унда яхши номимиз дунё турғунча яшайди.

Сотим АВАЗ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси,
"Дўстлик" ордени соҳиби



билларини учратмайсиз, хисоб. Ўзидан қора тутун чикарувчи автомобиллар эса бутунлай барҳам топганига жуда кўп вақт бўлган.

Яп-янги, бир-бирдан саройли ва бир-бирдан салобатли ўзимизнинг автомобиллар тўқини шаҳар йўлларида дарёга менгзаб оқди. Айниқса, кейинги пайтда ишлаб чиқарилаётган салобатли "Ласетти" ҳамда "Кобальт"лар, "Орландо" ва "Каштита"лар кўзларга ва дилларга жуда хуш ёқадди.

Во ажаб, хали яқиндагина энг ривожланган хорижий мамлакатлардаги турли русумдаги хайбатли энгил автомобилларни кўриб, ғоят хайратланардик. Уларда ҳамма бой-бадавлат-да, деб ҳисоблардик. Биз қачон шу

миз. Мустақиллик бизнинг ҳам бой-бадавлат бўлишимизга имконият яратди.

Ал-Хоразмий кўчасидаги тураржой иморатларига, хизмат кўрсатиш муассасаларига, қорхона ва ташкилотлар офисларига назар ташлаб бугунги бадавтурликнинг, тартиб-интизомнинг, бунёдкорликлар самараларининг махсулини чуқур хис этиш мумкин. Катта қўчада замонавий ҳамда қадимий мейморчилик аъёналари бир-бирига уйғунлашиб кетган.

— 25 йилда юртимизда катта мўъжизалар юз берди, — дейди меҳнат фахрийси Отабой ота Бобожонов. — Бундай мўъжизани кўриб, ғоят хайратланардик.

Уларда ҳамма бой-бадавлат-да, деб ҳисоблардик. Биз қачон шу

эзгу ишларимиз, жаҳоншумул амалларимиз билан қойил қолдиришга қодирмиз. Худди шундай бўлаётти ҳам. Илгари асрлар давомида рўёбга чиқши мушкул бўлган бунёдкорликлар бутун бир йил, узони билан бир неча йил давомида амалга ошмоқда. Бундай шитоб ва қудрат эндиликда оддий турмуш тарзимизга, ҳаётини эҳтиёжизимизга айланаиб қолгани ҳам айни ҳақиқат.

— Бир шоғирд донишманд устозига мурожаат қилибди:

— Устоз, доимо қувониб яшашни истайман. Бунинг учун нима қилишим керак?

Донишманд шоғирдига тушунтира бошлабди:

— Қўнғил қувончи беш хил бўлади: бир неча лаҳзалик, бир



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК

яқинлашиб келаётган «Мустақиллик куни» байрами муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«МУСТАҚИЛЛИК-25»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.



Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк сармоянгиизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

► ИНШОЛАР ТАНЛОВИГА

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ учун ўз Ватани ягона ва мўътабардир. Мен ҳам ўзбек элининг бир ўғлини сифатида она юртимни бебаҳо бойлигим, муқаддас маконим, деб биламан. Отанам, яқинларим ва маҳалладошларим билан шоду хуррам кунларим шу маконда ўтаётганидан мамнунман. Ўзимни юртим меҳрисиз бир дақиқа ҳам тасаввур эта олмайман.

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

Ёшлик чоғимдан меҳрибон она каби қўлимдан тутган ва ҳар қадамда қўллаган ҳам ушбу Ватандир. Менинг югуримдан мендан кўп қувониб, хатоларимдан озор чекувчи ҳам шу мунис Ватан. Шундай экан, чексиз муҳаббатта муносиб юртга лойиқ фарзанд бўлиб етишмоқни биринчи вазирам, деб биламан.

Ватаним таянган асосий куч биз — ёшларимиз. Унинг суянчи, ишончи бизнинг, яъни келажак авлодлар қўлида эканлиги масъулиятини хис этган ҳолда, юртимизда босқичма-босқич тараққий этиб бораётган ҳуқуқий демократик давлат ва қучли фуқаролик жамияти барпо этишда ҳар биримизнинг ўз ҳиссамиз бўлиши керак. Бу мақсадга эришиш, албатта, бугунги кунда биздан сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий соҳаларда фаоллики талаб этади. Шу боис мен байрақ ва бунёдкор юрлар билан чикувчи қўллаб ёшларни ўз сафига бирлаштира олган Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг «Еш адолатчилар» қанотига аъзо бўлганман. Партия аъзоси сифатида айтишим мумкинки, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ватандошларим сафига ёшлар қаторида менинг ҳам қўшилганим, юртим тақдирини, элимизнинг фаровонлигини дахлдорлик туйғуси қалбимни ўзгача фахр ва ғурур туйғуларига тўлдирди.

Хозирги кунда сиёсий соҳада дейсизми ёки таълим, маданият, спорт соҳаларида дейсизми, ёшларга кўрсатилаётган эътибор юксак. Бизларнинг ҳар томонлама соғлом, баркамол авлод бўлиб етишимиз учун давлатимиз раҳбарини катта раҳбарлик кўрсатмоқда. Келажак ворисларига бўлган жонқуярлик ва меҳр-эътиборини жорий йилимиз номидан ҳам билишимиз мумкин. Вилоятимизнинг энг чекка қишлоқларидан тортиб, чегара ҳудудларигача ёшларни камраб олаётган кенг имкониятлар, чуқур билим олиш, спорт билан шуғулланиш, хорижий тилларни ўзлаштириш, замонавий ахборот технологияларини ўрганиш, бирор фойдали касбухона эгаллаш каби қанчадан-қанча қулайликлар яратилган. Масалан, мен яшаётган Кува туманининг «Сўфи» қишлоғида замонавий талабалар асосида янги қурилган болалар мусика ва санъат мактаби, чуқурлаштирилган мактаб-интернати, тўйхоналар саройи, нурунийлар учун чойхона, савдо мажмуаси, спорт майдончалари жойлашган. Илгари бу жойларнинг ўрни пахта далалари эди. Хозирда сўлим ва одамлар билан гажум бўлган бу ерлар файзга тўлган. Туманинг кичикгина бир қишлоғида қурилган бинолар, янги қулайликлардан ҳам сезиш мумкинки, юртимизда инсон кадри ва унинг манфаатлари улугдир. Бу ўзгаришларга нисбатан ёшларнинг ҳам ўз жавоби бор. Улар бугунги кунда жаҳон ареналарида юртимиз байроғини юксакларга кўтармоқда. Ван олимпиадалари, ақлу заковат беллашувлари, мусикий фестивалларда ўз иштирокларини намоён қилиб, ривожланган давлатларда мажмуини баралла янгилашга интилоқдалар.

Бугун жаҳоннинг айрим мамлакатларида бўлаётган кўнгилсизликлар, инсонларнинг таҳқирланиши, онги захарланаётган, келажакнинг унутган ёшларни оммавий ахборот воситалари орқали кўриб, ҳақли равишда «мен обод Ватанимнинг бахтиёр фарзандиман» деб мағрур айта олам.

Яқинда шахримизда бўлиб ўтган ёшлар фестивалида юртимиз номини юракдан жўр бўлиб бутун Фарғона ёшлари баралла айтганимизда бу ердаги чет элдан келган меҳмонлар ҳам бизга ҳавас билан қарадилар. Улар шунинг англаб етдиларки, бу мамлакатда инсон, юрт, фарзанд номлари бир-бирдан ажралмас мустаҳкам тушулмага айланаиб кетган. Зеро, уларни ҳеч қим, ҳеч қачон бир-бирдан ажратма олмайди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
Тошкент тиббиёт академияси
Фарғона филиали 1 босқич талабаси

Ёзни мароқли ўтказайлик

► «101» ОГОҲЛАНТИРАДИ

Ёз фаслида ўғил-қизлар бўш вақтларини унумли ўтказиши ва таътилда мазмунли, мароқли дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд.

Ёзга дам олиш оромгоҳлари шулар жумласидандир. Табиийки, ёзги таътил кунлари фарзандларимизнинг кўпчилиги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладилар. Шундай масканлардан бир нечаси «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ҳисобланади.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Қибрай туманларида жойлашган мазкур оромгоҳларда ёзги таътил даврида бир неча минглаб болалар таътилни мазмунли ўтказиб келишади. Хозир ушбу оромгоҳлар ҳам болаларнинг кўпчилигида. Ушбу йилларнинг мазмунли-мароқли ва бехатар дам олишларини таъминлаш «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда Ички ишлар вазирлиги Транспорт ички ишлар бошқармасининг тегишли соҳавий хизматлари зиммасига юклатилган. Қолаверса, ёнинг хавфсизлиги соҳаси хизматлари оромгоҳларга бориб, ишчи-ходимлар ва дам олувчи болалар ўртасида ёнинг хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиш юзасидан суҳбатлар, учрашувлар ўтказишмоқда.

Зеро, ушбу қондалар ўзини ва атрофдагиларнинг ҳаёти, соғлигини хавф-хатардан асраш учун муҳим заруратдир.

Шерзод ЭРҒАШОВ,
Тошкент шаҳар ТИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши партия фахрийси, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари **Нурмат ЭШМЕТОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия иҳоз қилади.